



ПОСТДА

ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ 12 МАЙДАН ЧИКА БОШЛАГАН • Ўзбекистон Республикаси ИИБ нашри • 2003 йил 30 октябрь, пайшанба • 44 (3520)-сон



Транспорт ички ишлар идоралари ходимларининг олдида доимо масъулиятли вазифалар туради. Улар кузатувидаги юклар бекаму кўст манзилга етказилади, ишониб топширилган ҳудудда доимо тинчлик-осойишталик ҳукм суради. Андижон ва Наманган вилоятларида фаолият кўрсатаётган транспорт милицияси ходимлари 350 километр узунликдаги темир йўл ҳудудида осойишталикни таъминлайдилар. Бу бир неча вокзал, ўнлаб бекатлар, разъездлар дегани. Бундан ташқари иккита аэропорт ҳам бор.

Бўлимда кадрларни танлаш ва ўқитиш, уларнинг касб маҳоратини оширишга катта эътибор берилаяпти. Шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бу йил махсус олий таълим муассасаларига кириш учун 20 нафар номзод тайёрлади. Уларнинг кўпчилиги кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтиб, ҳозир ўқишни давом эттиришяпти.

МАСЪУЛИЯТЛИ ХИЗМАТ

Суратларда: Тармоқ ички ишлар бўлими навбатчисидан хизмат чоғида диққат-эътибор, ўта хушёрлик ва сабр-тоқат талаб қилинади. Андижон тармоқ ИИБ навбатчилик қисми катта инспектори, милиция майори Р. Гулбоев ўз вазифасини ҳамisha бекаму кўст бажаради. У навбатчи ёрдамчиси, милиция катта сержанти Ҳ. Йўлдошев билан бирга олинган тезкор хабарларни ўз вақтида тўплаб, таҳлил қилиб, ходимларнинг ўзаро ҳамкорликда, бир маромда ишлашларини таъминлайди; "Андижон" вокзали бамисоли шаҳарнинг дарвозасидай гап. Бу ҳудудда хизмат қилувчи Андижон тармоқ ИИБ ППХ ходимларининг асосий вазифалари жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлашдан иборат. ППХ ходимлари — милиция сержантлари К. Тожибоев ва Д. Ҳамдамов хизмат пайтида.

Б. КЛЕЙМАН олган суратлар.



УШБУ СОНДА: ОГОҲЛИК СИЗНИ ТАРК ЭТМАСИН!

«Ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасини ривожлантиришимиз учун тинимсиз изланишлар олиб борилаётган бир вақтда Ислом динига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда...»

3

«ТАШВИШНИНГ БЎЛГАНИ ЯХШИ»

«Одатда дилкаш, камтарин, катта ҳаётий тажриба тўплаган инсон билан суҳбатлашсангиз бир олам маъно оласиз. Фикрингиз чархланади, турмушга муносабатингиз ўзгаради. Республика "Маҳалла" хайрия жамғармаси раисининг ўринбосари, истеъфодаги ички хизмат подполковниги Садриддин Ҳасанов ҳам кўпчиликда ана шундай таассурот қолдириши табиий...»

13

СОХТА АМАЛДОР

«Орамизда баъзан содда, ким нима деса ишонаверадиган одамлар ҳам учраб туради. Улар айрим виждонини жигилдонга алмаштирган шахсларнинг тузоғига илиниб, бор-будларидан айрилишганини кеч англашади...»

15



АЗИЗ! МУШТАРИЙЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Бирлашган таҳририятининг «Постда» ва «На посту» газеталари ҳамда «Qalqon» ва «Шит» журналларига 2004 йилнинг биринчи ярми учун обуна бошлади.

Жиноят қидирув хизмати воқеалари, терговчи хотиралари, суд очеркларига қизиқсангиз, нашрларимизга обуна бўлинг. Газета ва журналларда мамлакатимиз ва дунё спорт янгилклари, теледастурлар, мунажжимлар башорати ва бошқа хабарлар мунтазам бериб борилади. Кроссворд, сканвордлар, "Саломатлик", "Ниҳол", "Сулола", "Ибрат" каби саҳифалар сизни бефарқ қолдирмайди, деб ўйлаймиз.

Ички ишлар тизимида амалга оширилаётган янгилклар, дунёда содир бўлаётган оламшумул воқеалардан вақтида бохабар бўлишни истасангиз, газета ва журналларимизга обуна бўлишга шошилинг.

ИНДЕКСЛАРИМИЗ:

«Постда» - 180 (366)
«На посту» - 169 (367)
«Qalqon» - 970 - (1083)
«Шит» - 971 - (1084)



ДУНЁ ҲАФТА ИЧИДА

● Ўтган кеча Бағдод шаҳрида камида олти марта портлаш юз бергани ҳақида коалицион кучлар матбуот хизмати хабар қилди. Портлашлар коалицион кўшинлар бош штабидан 5 чақирим нарида, Тигр дарёси яқинида содир бўлган. Жабрланганлар ва вайронагарчиликлар ҳақида ҳозирча маълумотлар йўқ. Фақат гранатомёт отишуви чоғида Бағдодда Американинг бир аскари ҳалок бўлгани ва олти нафари ярдор бўлгани маълум, холос.

● АҚШ Федерал қидирув бюросининг йиллик ҳисоботида

қайд этилишича, Нью-Йорк шаҳри мамлакатнинг йирик шаҳарлари орасида энг хавфсиз деб топилди. Умуман мамлакатда жиноятчилик сезиларли даражада кўтарилган. Нью-Йоркда эса ўтган асрнинг 60-йилларидагига қараганда беш фоизга камайган. Шаҳарда қотиллик ўн фоизга қисқарган, бироқ талончилик ва номушта тегиш жиноятлари ўзгаришсиз қолган.

● Эрон раҳбарияти мамлакатда ҳибсага олинган "Ал-Қоида" аъзоларини АҚШга бермасликка қарор қилди. Мамлакат Ташқи ишлар вазирлигининг матбуот котиби ана шуну маълум қилди. "Улар Эрон ҳудудида жиноят содир этганлиги учун шу мамлакат қонунларига мувофиқ суд қилиниб, жазо берилди", деди.

● Россия пойтахтининг Фадеев кўчасида куппа-кундузи босқинчилар тижорат банкидан чиқиб келган тадбиркорни тунаб кетишди. Унинг портфелида 120 минг АҚШ доллари бор эди. Босқинчилар "AUDI" автомашинасида гойиб бўлдилар. Москва милицияси қидирув ишлари учун "Туттиш" тадбирини эълон қилди.

● 2001 йил 11 сентябрда ташкиллаштирилган террорчилик ҳаракатлардаги тўртинчи самолёт АҚШ Конгресси биносини портлатиш учун йўналтирилган экан. Террорчилар томонидан эғаллаб олинган самолёт Конгресс биносига етмасдан Пансилванья штати ҳудудида портлаб кетганди.

● Красноярск ўлкасининг

Октябрь тумани ИИБ собиқ участка вакили, милиция лейтенанти Л. Баженов гиёҳвандлик моддаларини олди-сотдисидан иштирок этгани учун етти ярим йилга озалиқдан маҳрум этилди. У қамоқ жазосини қаттиқ режимли муассасада ўтайдиган бўлди.

● Буюк Британия Мудофаа вазирлиги жиддий молиявий қийинчиликка тушиб қолди. Молия вазирлиги мудофаа бюджетини сезиларли даражада қисқартиришга эришяпти. Армия янги техника сотиб олиш учун зарур маблағ олмамлиги мумкин. Бундан ташқари молия маҳкамаси Ироқдаги ҳарбий операциялар учун сарфланадиган харажатларни қоплашга қодир эмас.

УСНИНЧИ «Постда» gazetasing ilovasi TV LAM

TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV, HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD, SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI, HAYRATOMUZ VOQEALAR, SPORT YANGILIKLARI, INTERNET XABARLARI

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

28 октябрь куни Хитой Халқ Республикаси Жамоат хавфсизлиги вазири ўринбосари Ян Хуаньин бошчилигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси ИИБга ташриф буюрди. Меҳмонларни республика Ички ишлар вазири ўринбосари, полковник Х. Ибрагимов қабул қилди. У меҳмонларга республика ИИБнинг тузилиши ва асосий фаолият йўналишлари ҳақида гапириб берди. Бунда хусусан халқаро терроризмга қарши кураш борасида амалга оширилаётган ишларга алоҳида тўхталди.

Ян Хуаньин ўз навбатида Хитой Халқ Республикаси Жамоат хавфсизлиги вазирлиги зиммасидаги асосий вазифалар ҳақида маълумот



МУҲИМ МАСАЛАГА БАҒИШЛАНДИ

Маълумки, шу йил 17 июнда ҳукуматимизнинг республика иқтисодиёти тармоқларини 2003-2004 йил куз-қиш даврида ишлашга тайёрлаш бўйича қарори қабул қилинган эди. Республика ИИБ томонидан мазкур қарор асосида "Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари бино ва иншоотларини 2003-2004 йилларнинг куз-қиш даврида ишлашга тайёрлаш" Дастури ишлаб чиқилди. 25 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири ўринбосари, полковник Х. Ибрагимов ҳузурида мазкур ҳужжатлар талабларининг жойларда бажарилиши ҳолатига бағишланган селектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда қарор ва дастурда белгиланган чора-тадбирларни молиялаштириш, моддий-техник жиҳатдан таъминлаш масалалари юзасидан республика ИИБ Молия-иқтисод бошқармаси бошлиғи, ички хизмат полковниги Ў. Аҳмедов, Моддий техника ва ҳарбий таъминот бошқармаси бошлиғи, ички хизмат полковниги Х. Акбаровлар маъруза қилишди. Улар бино ва иншоотлар, иситиш қурилмаларини жорий ва капитал таъмирлаш, шахсий таркибни қишқик-кечак, техника, алоқа воситалари, автотранспортларни эҳтиёт қисм ва ёқилғи-мойлаш материаллари билан таъминлаш юзасидан амалга оширилган тадбирлар хусусида гапирдилар.

Республика ИИБ Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармаси бошлиғи, ички хизмат полковниги А. Қўлдошев эса ички ишлар идоралари бино ва иншоотларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича аниқланган камчиликлар

ва уларни бартараф этиш чора-тадбирлари борасида тўхталди. Шунингдек, ИИБ Тиббиёт бошқармаси бошлиғи, ички хизмат полковниги С. Толипов ички ишлар тизимидаги даволаш-профилактика муассасаларининг куз-қиш даврига тайёргарлиги ҳақида ҳисобот берди.

Шундан сўнг жойлардаги ички ишлар идоралари бошлиқларининг ижтимоий ва молиявий таъминот хизмати бўйича ўринбосарлари кун тартибидаги масала юзасидан қилинган ишлар ҳақида ҳисобот беришди, мавжуд айрим муаммолар устида тўхталди. Йиғилишда уларни қисқа фурсатларда ҳал этиш чора-тадбирлари белгиланди.

Полковник Х. Ибрагимов йиғилишни якунлар экан, шахсий таркиб ҳақида ғамхўрлик қилиш ҳар бир раҳбарнинг муҳим вазифаси эканлигини таъкидлаб, тегишли кўрсатмалар берди.

Ўз мухбиримиз.

ДЎСТОНА ҚАБУЛ

берди. У ҳар икки мамлакат ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари олдида жиноятчилик, халқаро терроризм ва диний экстремизмга қарши кураш масала-


ларида қатор умумий муаммолар турганини таъкидлади. Уларни ҳал қилиш борасида ўзаро ҳамкорлик бўйича аниқ тақлифлар билдирди. Бунинг амалий исботи сифатида гиёҳвандлик моддаларини тадқиқ этиш бўйича компьютерлашган лаборатория мажмуини топширди.

Х. Ибрагимов бу тақлифларни қўллаб-қувватлаб, республикамиз ИИБ ҳам ўзаро ҳамкорлик ва алоқаларни янада ривожлантиришга тайёр эканини айтди ҳамда кўрсатилган амалий ёрдам учун Хитой Халқ Республикаси Жамоат хавфсизлиги вазирлиги раҳбариятига миннатдорчилик изҳор этди.

Учрашув самимий, дўстона вазиятда ўтди. У ҳар икки мамлакат ҳуқуқ-тартибот идоралари тизимининг ҳамкорлиги бундан кейин янада ривож топишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Ўз мухбиримиз.

Суратларда: учрашувдан лавҳалар. А. КЕНЖАЕВ олган суратлар.



«Пахта — 2003»

БОЙЛИГИМИЗНИ АСРАЙЛИК

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "2003 йил ҳосили пахта хом ашёсини сақлашни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори асосида вилоят ИИБ ва туман ички ишлар идораларида шошилинч йўриқномалар, алоҳида дастурлар ишлаб чиқилди. Дарвоқе, бугунги кунда ички ишлар ходимлари жойларда пахта билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш, талон-торож ва нобудгарчиликларга йўл қўймаслик учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Деярли барча туманларда махсус постлар ташкил этилган. Ҳукуматимиз қароридан сўнг жамоатчилик назорат масканларининг сони янада кўпайтирилди. Уларга тажрибали милиция ходимлари жалб қилинган, барчаси керакли улов, асбоб-анжомлар билан таъминланган.

Саъй-ҳаракатларимиз самараси яққол кўзга ташланыпти. Ўтган қисқа муддат ичида вилоятда пахта билан боғлиқ 129 та ҳолат аниқланиб, қонун бузилишларига йўл қўйган 130 нафар фуқаро моддий, маъмурий ва жи-

ноий жазога тортилди. Уйларидан ғаразли мақсадлар билан пахта сақлаган, четга олиб чиқиб кетишга уринган, пахта майдонларининг пайҳон бўлишига сабабчи бўлган фуқаролар устидан баённомалар тузилиб, тўпланган ҳужжатлар суд-прокуратура идораларига тақдим этилди. Улардан жами 1 миллион 700 минг сўм миқдорида жарима ундириб олинди.

Тўғри, Учкўрғон, Чуст ва Косонсой туманларида аҳвол бирмунча оғир. Сабаб улар вилоятимизнинг Қирғизистон билан чегарадош. Шу боис қўшни давлат фуқаролари билан жиноий тил бириктириб, пахта олди-сотдиси билан шугулланувчи шахслар ҳам учраб турибди. Улар қилмишларига яраша жазоланишмоқда. Косонсойлик уй бекаси Н. Жўраева, Ш. Олимов, А. Толибоев, уй бекаси Н. Эшонвалар жамоат бойлиги ҳисобланган қарийб юз килограммга яқин пахтани уйларига олиб кетаётганларида ички ишлар ходимлари томонидан ушла-

ниб, баённомалар тузилди. Шунингдек, фуқаролар А. Обидов, Қ. Холбоев, С. Аранов, Н. Носиров, А. Тожиев, О. Раҳмоновлардан қорамолларини далада қаровсиз қолдириб, пахта майдонларини пайҳон қилдирганликлари учун қонунда белгиланган жарима ундириб олинди. Бу каби мисолларни яна келтириш мумкин. Аммо бизни масаланинг маънавий томони кўпроқ ўйлантириб қўяди. Ахир бу йилги мўл ҳосил ҳам ўз-ўзидан бўлгани йўқ-ку. Бунинг учун ўзларини юрт фидойиси, фаровонлигимиз жонқуярлари деб билган мард инсонлар озмунча тер тўкишдими, озмунча кўз нури, куч-қувват сарфлашдими? Дехқон меҳнатининг қадрини билмаганлар ўз қадр-қимматларини тушунармиканлар? Нахотки "ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир" кимсалар ўз шармандали қилмишларидан уялишмаса?!

К. ОБИДОВ,

Наманган вилояти ИИБ бошлиғи ўринбосари, милиция подполковниги.

Республикамиз далаларида ҳаёт қайнайди. Пахтакору ҳашарчилар ҳосилни тезроқ йиғиб-териб олиш учун тинимсиз меҳнат қилмоқдалар. Ички ишлар идоралари эса уларга ҳамиша кўмакка шайлар.



Суратда: Чироқчи тумани ИИБ профилактика инспекторлари, милиция капитани П. Диевров (чапда) ҳамда милиция капитан лейтенанти Қ. Боймуродовлар "Пахтакор" жамоа хўжалиги пахтазорларида ҳашарчиларга пахта ҳосилини талон-торож қилишининг оқибатлари ҳақида тушунча бермоқдалар.

З. МАҚСУДОВ олган сурат.

Қарор ва ижро

ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "2003 йил ҳосили пахта хом ашёсини сақлашни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори талабларини бажариш бўйича Фарғона вилояти ички ишлар идоралари томонидан қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Мавсум бошидан буён пахта ўғирлиги билан боғлиқ 24 та ҳолат аниқланди. Ҳуқуқбузарлардан жами 1265 килограмм пахта олиниб, хўжаликларнинг омборларига қайтарилди. Ўғирлик ҳолатларининг 2 таси бўйича жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда. Шунингдек, пахтазорларни пайҳон қилишга доир 50 тага яқин, пахта майдонларидан кўсак юлиш бўйича эса 5 та ҳолат юзасидан айбдорлар маъмурий жавобгарликка тортилди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва бошқарманинг масъул ходимлари махсус жадвал асосида вилоятнинг барча қишлоқ ва маҳаллаларида бўлиб, ҳукуматимиз Қарорининг мақсад ва моҳияти, пахта хом ашёсини белгиланмаган жойларда сақлаш, пахта қуритилаётган

майдонларда, қабул пунктларида, ташиш жараёнида ёнғин, йўл ҳаракати хавфсизлиги қондаларига қатъий амал қилиш, пахтани ўғирлаш, талон-торож қилиш ёки сақлаш мақсадида хонадонларга олиб келишга йўл қўймаслик тўғрисида тушунтириш ишлари олиб боришмоқда.

Қўрилган чора-тадбирлар натижасида Тошлоқ туманидаги Пахтакор қишлоғида яшовчи фуқаро О. Жалол уйининг томига умумий қиймати 33725 сўм бўлган 149 килограмм пахтани яшириб қўйгани аниқланди.

Қирғизистон Республикаси билан чегарадош Риштон туманининг Қалаинав ҳамда Олтиариқ туманининг Бурбалиқ қишлоғида юқоридаги Қарор талабларини бажариш борасидаги вазифаларга бағишлаб ўтказилган йиғилишда республика ИИБ ЁХББ бошлиғи, ички хизмат полковниги А. Қўлдошев, ЁХББ бошлиғининг биринчи ўринбосари, милиция полковниги Ф. Болтабоев ва бошқа вилоят, туман ИИБ раҳбарияти иштирок этди. Сўзга чиққанлар кўрилаётган масала бўйича ўз мулоҳазаларини билдирдилар.

М. КИМСАНБОЕВ.

«Жасорат» медали соҳиблари

Жаҳонгир гуни билан босинқираб, галати тушлар кўриб чиқди. Эрталаб ўрнидан турганида кўнгли безовта эди. «Ёмон ухлаганимдан бўлса керак, — деб ўйлади у деразадан ташқарига ўйчан қараркан. — Ёгаётган майин қор ерни қоплаб улгурибди. Қандай гўзал!»

Жаҳонгир одатига кўра нонушта қилди, онасининг дуосини олиб, хизматига шошди. Шу кунни у икки ашаддий жиноятчи қўлида ҳалок бўлди. Шунга ҳам уч йил бўлди. Милиция лейтенанти Жаҳонгир Қўзибоев ўшанда 24 ёшда эди.



БОЛАЛАР ҚАЛБИГА ЙЎЛ ТОПАРДИ

... Жаҳонгир икки шубҳали кишини кўриб, шахсларини аниқлаш учун улардан ўзи билан бирга яқин орадаги милиция идорасига боришларини сўради. Улар аввалига рози бўлишди. Йўлда улардан бири кўққисдан милиционерга пичоқ билан ташланди. Ж. Қўзибоев оғир жароҳатланганига қарамай милиция бўлинмасига етиб келди. Тезкор гуруҳ жиноятчиларни кўлга олди. Аммо Жаҳонгир кўп қон йўқотиш оқибатида касалхонада вафот этди.

Жаҳонгир Қўзибоев Жиззах вилояти Фаллаорол туманида туғилиб, вояга етди. Мактабни битиргач, республика ИИБ Академиясига ўқишга кирди. Ўқишни муваффақиятли тугалаб Жиззахга қайтди. Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича инспектор лавозимида иш бошлади. Қанчадан-қанча ўсмирларни тўғри йўлга солди. Унинг юмшоқ феъли, ширинсуханлиги тарбияси оғир болаларни ҳам ўзига

ром этарди. Жаҳонгир уларнинг қалбига йўл топишни биларди, ҳеч бир кимсадан меҳри, ширин сўзини аямасди.

Ким билсин, ўша икки газада бўлмаганида, Жаҳонгир хизматда юқори даражаларга эришар, узоқ умр кўриб, ували-жували бўлармиди. Начора, тақдир экан. Аммо шу қисқа умрида касбдошлари, яқинлари, танишлари қалбида ўзидан ёрқин хотира қолдирди.

Хизмат бурчини бажариш чоғида кўрсатган фидойилиги ва мардлиги учун милиция лейтенанти Жаҳонгир Қўзибоев вафотидан кейин «Жасорат» медали билан тақдирланди.

Мукофот Жиззах вилояти ИИБда марҳумнинг ота-онасига тантанали вазиятда топширилди. «Шундай азамат ўғил тарбиялаб вояга етказганларингиз учун раҳмат. Сизларни ҳеч қачон ёлғиз қолдирмаймиз», — дейишди уларга Жаҳонгирнинг сафдошлари.

Д. САЛОҲИДИНОВА.

Шу куннинг гапи

ОГОҲЛИК СИЗНИ ТАРК ЭТМАСИН!

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг эълон қилиниши мамлакатимиз халқлари тарихида янги даврни бошлаб берди. Бунинг натижасида ўзлимизни англаш, Ватанимиз тарихини холисона ўрганиш, миллий қадрият ва урф-одатларимизни тиклаш учун ижтимоий-сиёсий шарт-шароитлар яратилди. Ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасини ривожлантиришимиз учун тинимсиз изланишлар олиб борилаётган бир вақтда ислом динига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикаимиз Президенти таъкидлаганидек: «Кўнра тарихимизнинг қайси даврини эсламайлик, дин ҳар доим одамларни ўз ўзини идора этишга, яхши хислатларни кўпайтириб, ёмонлардан ҳалос бўлишга чорлаган».

Ватандошларимиздан Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Хожа Абдуҳолиқ Гиждувоний, Хўжа Баҳовуддин Нақшбандий каби буюк

боболаримиз қолдирган улкан маънавий меросни бутун дунё халқлари қизиқиш билан ўрганмоқда. Ёшлар ҳам улғу аждодларимиз ортидан бориб, илм ва фаннинг юксак чўққиларини забот этишлари учун мамлакатимизда барча имкониятлар яратиб берилди. Лекин афсуслар бўлсинки, шундай муқаддас бўлган ислом динидан ғараз мақсадда фойдаланишни кўзлаб юрган жиноятчи гуруҳлар диёримизда ҳам пайдо бўлиб қолишди. Илмга, изланишларга чанқоқ бўлган кўплаб фарзандларимизни ҳар қандай ёмонликдан тап тортмайдиغان бундай кимсалар ўз тузоқларига илинтиришга ҳаракат қилмоқдалар.

Бунинг ортида бебаҳо бойликларимиз, яъни тинчлигимиз, фаровонлигимиз, тўқин-сочинлик каби Аллоҳ инъом қилган неъматларга кўз олайтиришдек мақсадлар яширинганини ҳаётга энди мустақил қадам қўйган йигит-қизларимиз англаб

етмаётгани ачинарлидир. Бу эса шунинг кўрсатмоқдаки, бизда ҳали жуда катта маънавий бўшлиқ бўлиб, уни эзгулик, гўзаллик, яхшилик каби ахлоқий тушунчалар билан дастлаб оила, маҳалла, мактаб ва олий ўқув юртларида тўлдириб боришимизни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Чунки терроизм, экстремизм деган мудҳиш офатлар бугун бутун дунё мамлакатларини қаттиқ ташвишга солмоқда. Унсурлар ҳатто ёш йигит ва қизларнинг ҳаётини қурбон қилиб бўлса-да, ўз ғояларини тарғиб этиб келмоқдалар. Кўпуровчилик оқибатида содир этилаётган фалокатлардан қанчадан-қанча бегуноҳ одамларнинг ёстиги қуримоқда.

Қасддан бегуноҳ одамларни ўлдириб ислом динида қаттиқ қораланади. Афғонистон заминидан неча йиллардан бери олиб борилаётган биродарқушлик урушлари катта фалокатларга сабаб бўлаётганлиги

ни ким оқлай олади? Бу жиноятчи гуруҳлар ўзларини ислом ҳимоячилари қилиб кўрсатмоқдалар. Ислом дини эса уларга қарши кескин кураш олиб боради ва бизни тинчлик, тотувлик, меҳр-оқибатга чорлайди.

Шундай экан, азиз тенгдошим, юртдошим, қадимингизни доимо ўйлаб босинг, қилаётган ҳар бир ишингиз, кимлар билан мулоқотда бўлаётганингизни назардан четда қолдирманг. Ўқинг, ўрганинг, изланинг, лекин бу ҳаракатларингиз сизни ҳеч қачон жиноятга олиб бормасин, боши берк кўчаларга етаклаб кирмасин, балки одамларга, Ватанга яхшиликлар келтирсин. Шундагина довруғи достон бўлган аждодларимизга муносиб авлодлар бўлиб камол топасиз.

Огоҳлик сизни ҳеч қачон тарк этмасин, азиз юртдошим!

Н. ИЛМУРОДОВ,
ички хизмат капитани.

ЁШ АСКАРЛАР — САФИМИЗДА

Яқинда Тошкент темир йўл шоҳ бекатида Қоровул қўшинлари сафига қақирланган бир гуруҳ ёш аскарлар мусиқа садолари остида кутиб олинди. Ҳарбий жамоа сардори, полковник А. Сеницин Ватан ҳимоясидек муқаддас бурчларини бажаришга бел боғлаган йигитларимизни кизгин муборакбод этди. Полковник Р. Абдуллаев эса ёш аскарларга Қоровул қўшинлари фаолияти ҳақида гапириб, доимо сергак ва ҳушёр жангчи бўлиб хизмат қилишларига тилак билдирди.

Шундан сўнг ёш аскарлар тиббий кўриқдан ўтказилди. Улар эгниларига биринчи бор ҳарбий либос кийишганда гурурланиш, ҳис-ҳаяжонни илғаб олиш қийин эмас эди.

Б. ЛУТФУЛЛАЕВ,
сержант.



Кўриқлаш хизматида

ИШОНЧЛИЛИК — БОШ МЕЗОН

Бугунги кунда дунё миқёсида терроризмга қарши кураш энг долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Республикаимизда ҳам ушбу иллатга зарба бериш, халқимизнинг осуда ҳаёт кечириши, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш ва бонёдкорлик фаолиятларини давом эттириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Шунинг билан таъкидлаш жоизки, республика ички ишлар идоралари ҳузуридаги кўриқлаш бўлинмалари ҳам бу вазифага ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқда.

Масалан, корхона, муассаса, ташкилотлар ва аҳоли ўртасида кўриқлаш хизмати афзалликлари тўғрисида олиб борилган тарғибот-ташвиқот ишлари натижасида шу йилнинг ўтган даврида 2 мингдан ортиқ объект янгитдан кўриққа олинди. Улардан 1800 дан ортиғи кўриқлаш, ёнғиндан огоҳлантириш сигнализация воситалари билан жиҳозланди, 1561 таси марказлаштирилган кўриқлаш пультага уланди. Кўриққа олинган фуқаролар хонадонлари сони эса 3294 тани ташкил этади.

Ўтган давр мобайнида кўриқлаш ходимлари томонидан объект ва фуқаролар хонадонларига нисбатан қилинган 121 та жиноий ташовуларнинг олди олинди. Масалан, 3 октябрь кунни кечки пайт Самарқанд шаҳри Ш. Рашидов кўчасида жойлашган марказлаштирилган кўриқлаш пульта орқали кўриқланадиган «Ақтуал» хусусий дўкондан «ташвиш» хабари

тушади. Воқеа жойига зудлик билан етиб борган кўлга олиш гуруҳи дўкон эшиги ойнаси олиб кўйилганини кўришади. Дўкондаги нарсаларни ўғирлаш ниятида бўлган ўсмир ушланди.

Кўриқлаётган чора-тадбирлар натижасида кейинги йилларда бирор марта ҳам кўриқланаётган объект ва хонадонларда ўғрилик содир этилишига йўл қўйилмади. Объектларга нисбатан бўлаётган барча ташовуларнинг олди олинмоқда. Бу эса ўз навбатида кўриқлаш хизматининг ишончлилик даражаси ошиб бораётганини билдиради.

Республика кўриқлаш бўлинмалари шахсий таркиби объект ва хонадонларнинг ишончли кўригини таъминлаш билан бир қаторда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши кураш, жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш борасидаги тадбирларда ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Улар кўмағида кўплаб жиноятлар очилиб, гумондор шахслар ушланмоқда.

Хусусан, шу йилнинг ўтган даврида кўриқлаш ходимлари томонидан жиноят содир этганликда шубҳаланиб 3 минг нафарга яқин шахс ушланиб, ҳудудий ички ишлар идораларига келтирилди. Улар орасида қотиллик, оғир тан жароҳати етказиш, номусга тегиш, талончилик, ўғрилик каби жиноятларни содир этишда гумон қилинганлар бор.

Шу йилнинг ўтган даврида ходимларимиз томонидан пост худудлари, патруллик йўналишлар

ри ва турли тадбирлар жараёнида маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этган 150 мингдан ортиқ шахс ушланиб, ички ишлар идораларининг навбатчилик қисмларига топширилди.

Хизматимизнинг яна бир вазифаларидан бири бу — кўриқланаётган объектлардаги майда ўғриликларнинг олдини олишдир. Бу борадаги амалий, таъсирчан тадбирлар натижасида ушбу ҳуқуқбузарликларни содир этгани учун 20 мингдан ортиқ шахс ушланди. Ҳуқуқбузарлардан 62,1 млн. сўмликдан ортиқ моддий-товар бойликлар мусодара қилиниб, мулк эгаларига қайтарилди. Кўлга олинган ташмачиларга 52 млн. сўмдан ортиқ жарима солинди.

Кўриқлаш хизмати зиммасига юклатилган вазифалардан яна бири — кўриқлаш соҳасида мутахассис ташкилот сифатида маҳма, корхона, ташкилотларнинг қоровулларини текшириб бориб, улар фаолиятида йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш учун тегишли чоралар кўришдир. Ўтган даврда республика ички ишлар идоралари ҳузуридаги кўриқлаш бошқарма, бўлимлари томонидан «Ўзбекқоғоз» уюшмаси, «Ўзбалик» акциядорлик компанияси, «Ўзенгилсаноат» давлат ишлаб чиқариш уюшмаси, «Ўзгўштсаноат» акциядорлик ассоциацияси, «Ўзагрошсервис» ассоциацияси, «Ўзмевасабзавотвинсаноат» уюшмаси ва бошқа идораларга қарашли объектларнинг муассаса қоровуллари назорат кўригидан ўтка-

зилди. Кўриқлаш, объектларнинг техник мустаҳкамлигида йўл қўйилган бир қатор камчиликлар аниқланиб, уларни бартараф этиш учун объектлар раҳбарлари ва муассасаларнинг раҳбарларига тақдимномалар киритилди.

Кейинги пайтда кўриқлаш хизматида маълум сифат ўзгаришлари юзага келмоқда. Бунда асосий эътибор хизматнинг ишончлилик даражасини оширишга қаратилаяпти. Биз қоровуллардан босқинма-босқин воз кечиш сиёсатини амалга оширмоқдамиз. Уларнинг ўрнига нисбатан ишончли, самарали ва тезкор бўлган милиция, ҳарбийлаштирилган соқчилик ва марказлаштирилган кўриқлаш пульталари жорий этилмоқда. Чунки мамлакатимизда мулкка бўлган муносабат тубдан ўзгариб бораёпти. Шундан келиб чиққан ҳолда, давр унинг кўриғига ҳам эътиборни кучайтиришни талаб қилмоқда.

Маълумки, кўриқлаш хизмати зиммасига яна бир масъулиятли вазифа — республикаимизнинг ўта муҳим, стратегик, ҳаётий аҳамиятга эга объектларининг ишончли кўриғи, хавфсизлиги ва мунофақсини таъминлаш юклатилган. Бу ўта масъулиятли вазифа бўлиб, ходимларнинг касбий ва жанговар тайёргарлиги юқори бўлишини тақозо этади.

Шу мақсадда вазирлик олий ўқув юртларида раҳбар ходимларнинг малакаси ошириб борилмоқда. Алоҳида режаларга мувофиқ объектларда жанговар-тактик ўқув машғулоти ўтказилаёпти. Хиз-

матни автотранспорт, алоқа, сигнализация ва бошқа зарур воситалар билан ўз вақтида таъминлаб боришга ҳам аҳамият берилмоқда.

Кейинги йилларда чет мамлакатларнинг ижобий тажрибаларини ўрганиб, ҳаётга жорий этиш борасида ҳам маълум ишлар қилинаёпти. Шу мақсадда ўтган йили Тошкентда «Хавфсизлик-2002» халқаро семинар-кўргазмаси ташкил қилинган эди. Яқинда Қозғистоннинг Алматы шаҳрида МДХ мамлакатларининг кўриқлаш тизимлари раҳбарлари ва мутахассислари иштирокида йиғин ўтказилди. Мутахассислар кўриқлаш хизматларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш, уларни такомиллаштириш, тажриба алмашиш борасида келишиб олишди. Ушбу тадбирда мамлакатимиз кўриқлаш хизмати вакиллари ҳам иштирок этиб, тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

Бизнинг олдимиздаги вазифалардан яна бири бу — хизматнинг ҳуқуқий асосини янгиллаш, такомиллаштиришдир. Қолаверса, техника, сигнализация воситалари билан таъминлаш қайта кўриб чиқиши зарур. Бундан ташқари хизматнинг молиявий фаолиятида бир қатор ўзгаришларни амалга ошириш, ушбу йўналишни яхшилаш борасида кескин чоралар кўриш талаб этилади.

Амалга оширилаётган ишлардан кўзланган мақсад битта — бизга ишониб топширилган моддий-товар бойликлар, иншоотларнинг ишончли кўриғи, хавфсизлигини таъминлаш, билдирилган ишончли оқлашдир.

А. ЮСУПОВ,
республика ИИБ ҳузуридаги
«Кўриқлаш» бирлашмаси бошлиғи,
милиция полковниги.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11 йиллиги олдида

ДЕМОКРАТИЯ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

Конституция Ўзбекистонда эркин фуқаролик жамияти, яъни халқнинг ўзи бевосита бошқариладиган жамият ва демократик ҳуқуқий давлат қуришни асосий мақсад қилиб қўяди. Унда жами дунёвий неъматлар орасида энг улуғи ИНСОН эканлиги эркин мужасамланган. Инсонни улуғлаш, уни муҳофаза қилиш ва ҳар томонлама камол топтириш Конституциянинг асосий гоёсига айлантирилган. Конституция инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳуқуқий меъёрлар асосида ишлаб чиқилган ва уни янада тўлдирган. Конституция-мизнинг 13-моддаси бу фикримизга далил бўлади. Ушбу моддада "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси"да эълон қилинган умуминсоний ҳуқуқлар олий қадрият даражасига кўтарилган. Маълумки, унда инсонларнинг ажралмас ва дахлсиз ҳуқуқлари эълон қилиниб: "Барча одамлар эркин, қадр-қиммат ва ҳуқуқларида

тенг бўлиб туғилганлар" (1-модда); "Ҳар бир инсон яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эгадир" (3-модда); "Ҳеч ким қулликда ёки қарамликда сақланиши мумкин эмас, қулчилик ва қул савдосининг барча турлари тақиқланади" (4-модда) кабиларни белгилаб қўйган. Конституция-мизнинг 13-моддасида эса инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади, дейилган. Бу Ўзбекистон умумбашарий инсонпарварлик қоидаларига асосланган давлат эканлигини кўрсатади.

Ўзбекистонда фуқаролар миллати, дини, иж-

тимоий аҳволи, сиёсий ва бошқа эътиқодига қараб чекланмайди. Конституциянинг иккинчи бўлими инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларига бағишланган.

Конституция-мизнинг ўзига хос жиҳатларидан бири шуки, у фақат фуқароларни, яъни давлатимизга мансуб кишиларнигина эмас, Ўзбекистонда истиқомат қилувчи барча инсонларнинг муқаддас ва дахлсиз ҳуқуқларини мустаҳкамлайди. Қонундан ташқари ҳеч ким уни

бу ҳуқуқдан маҳрум этиши мумкин эмас.

Инсоннинг эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати — унинг олий қадрияти. Ҳеч ким қулликка ёки асоратга солиниши, суднинг ҳукми-сиз ёки прокурорнинг рухсатисиз ўзбошимчалик билан қамоққа олиниши мумкин эмас. Ҳар бири эркин бўлиб туғилади ва хоҳлаган жойида истиқомат қилиши ҳуқуқига эга. Лекин қаерда яшаса, ўша ерга мансуб бўлган давлатнинг қонунларига итоат этишга мажбур.

Инсоннинг шаъни ва ор-номуси ҳам дахлсиз. Ҳеч ким унинг шахсий ёки оилавий ҳаётига ўзбошимчалик билан аралашини, оилавий сир-асрорларини ошкор қилиши, уй-жойи дахлсизлигига тажовуз қилиши мумкин эмас. Инсонни камситиш, обрўсизлантириш, ҳақорат қилиш, таҳқирлаш қонунга ҳилоф хатти-ҳаракат ҳисобланади ва бундай ҳаракатлар учун қонун бўйича тегишли жавобгарликлар мавжуд. Инсон ҳаётига тажовуз энг оғир жиноят ҳисобланади.

Конституция-мизнинг 19-моддасида эътироф этилишича, Ўзбекистонда барча фуқароларнинг демократик ҳуқуқ ва эркинликлари Конституция

ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Ушбу меъёр Конституциянинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатларига бағишланган X бобида маҳсус тарзда янада мустаҳкамланган. Яна бир мисол. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси маҳсус қисмининг 1-бўлимида "Шахсга қарши жиноятлар" учун жавобгарлик белгиланган. Бунда шахснинг ҳаётига, соғлиғига, жинсий эркинлигига, шунингдек, оилага, ёшларга ва ахлоққа қарши қаратилган жиноятлар, шахснинг озодлиги, шаъни ва қадр-қиммати, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши жиноятлар учун жиддий жазо чоралари назарда тутилган.

Демак, инсон ҳуқуқлари ва демократия сингари умумбашарий қадриятлар республикамизнинг миллий давлатчилик манфаатларига тўла мос келади.

Ф. АБДУМАЖИДОВ,
юридик фанлари доктори,
профессор.

Маърифат дарси

ИСЛОМ ДИНИДАГИ ЙЎНАЛИШ ВА МАЗҲАБЛАР

Ислому ер юзидаги асосий динлардан бири ҳисобланади. Ҳозирги кунда Курраи заминда яшайдиган 1,4 миллиардга яқин аҳоли ислом динига эътиқод қилади. Дунёнинг деярли ҳамма давлатларида мусулмончиликни қабул қилиб, масжид қуриб, ислом ақидаларини адо этаётганларни учратиш мумкин.

Исломда суннийлик ва шиалик йўналишлари бор. Мусулмонларнинг 90 фоизи суннийлар бўлса, 10 фоизи шиалардир. Суннийлик Мухаммад пайғамбаримизнинг кўрсатмалари ва одатлари ҳақидаги Ҳадиси шарифлар, ривоятларни Куръони Каримдан кейинги энг муқаддас манба сифатида эътироф этиб, уларга риоя этишдир.

Шу ўринда суннат сўзининг маъносини билиб олиш жоиз. Суннат Расулulloҳдан нақл қилинган Ҳадиси шарифлар орқали шаклланган. Ҳадиси шарифларда Мухаммад пайғамбаримизнинг сўзлари, фаолияти, саҳобалар томонидан амалга оширилган ишларга муносабатлари тўғрисида ҳикоя қилинади. Шуларнинг ҳар бири суннат дейилади.

Маълумки, Ҳадиси шарифларни йиғиб, китоб шаклига келтириш пайғамбаримиз вафотларидан кейин амалга оширилган. Бу муборак ишда улуг ватандошларимиз Имом ал-Бухорий, Имом Муслим, Имом Абу Довуд, Имом ат-Термизий, Имом ан-Насоий ва Имом ибн Можжанинг катта ҳиссаси бор. Ислому оламида улар тузган ҳадислар энг ишончли деб ҳисобланади. Имом ал-Бухорий тўплаган ҳадислар эса неча асрдирки, Куръони Каримдан кейин муқаддас китоб сифатида ўрганилади.

Суннийлик тўрт мазҳабга бўлинган. Улар ханафия, моликия, ханбалия ва шофиъия деб юритилади. Ушбу мазҳабларга риоя

қилувчилар аҳли суннат вал жамоат деб аталади.

Ислому оламида мусулмонларнинг 80 фоизи ханафия мазҳабига мансубдир. Туркий диндор халқларнинг кўпчилиги, тожикларнинг эса мутлақ кўпчилиги шу мазҳабдадирлар. Бу мазҳабга Абу Ҳанифа Нуъмон ибн Собит раҳматуллоҳи алайҳ асос солганлар. У киши Ислому динини ривожлантириш, мустаҳкамлаш ва бошқа улуг хизматлари эвазига Имом Аъзам деб эътироф этилганлар.

Ўзбекистон мусулмонлари Имом Аъзам мазҳабига мансуб. Намоз ва диний расм-русумлар, маросим, маъракаларда барча амаллар шу мазҳаб кўрсатмалари бўйича бажарилади.

Шўролар замонида динсизлик сиёсатининг илгари сурилиши, динни зарарли қилиб кўрсатилиши халқ орасида руҳонийлар ва уларнинг пешволари тўғрисида нотўғри тасаввур пайдо бўлишига олиб келганди. Мустақиллик туфайли юртдошларимиз эътиқод эркинлигига эришиб, эмин-эркин ислом дини амалларини бажариш имкониятига эга бўлдилар.

Шу ўринда айрим ақидапарастлар Ислому динини ниқоб қилиб олиб, экстремистик ҳаракатлар қилаётганларини айтиб ўтиш жоиз. Бунга юртимизда, кўшни давлатлар ва чет элларда бўлиб ўтган воқеаларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Дин ҳам миллий, ҳам умуминсоний қадрият сифатида жамиятда муҳим ўрин тутуши тарихдан маълум. Зеро, буюк муҳаддис бобларимиз, тасаввуф илмининг пешволари, тариқатчилар, олим уламолар улуг аждодларимиз тафсири, таҳлили, талқини, тарғибу ташвиқидаги Ислому дини, Имом Аъзам мазҳабни бизни ҳам маънан, ҳам жисман покланиш сари етаклайди.



Қарши шаҳар ИИБ ходимлари мактаб, лицей ва бошқа ўқув даргоҳларида тез-тез бўлиб, ўқувчиларнинг ҳуқуқий билимларини оширишда яқиндан ёрдам беришяпти. Айниқса, шаҳардаги академик лицейда ўтказилган тadbир савол-жавобларга бой бўлди. Ўқувчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Суратда: шаҳар ИИБ ҲООБ ходимлари билан учрашувдан лавҳа.

С. ОМОНТУРДИЕВ
олган сурат.

Маънавий-сиёсий тайёргарлик машғулоти гуруҳлари раҳбарларига ёрдам

ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИНИНГ БУРЧИ

Давлатимиз раҳбарияти томонидан Ватан ҳимоячиларига мунтазам гамхўрлик кўрсатилиб келинмоқда. Бунга ҳарбий қисмларимиз замонавий жанговар техника, қурол-яроғ, кийим-кечак ва бошқа зарур анжом-аслаҳалар билан таъминланаётганидан ҳам билишимиз мумкин.

Гуруҳ раҳбари ҳарбий мулк тушунчаси устида тўхталиб ўтиши, айниқса, Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларининг Ички хизмат Низоми 13-моддасидаги "Ҳарбий хизматчи ўзига ишониб топширилган қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникани билишга ва ишлатишга доимий шайликда сақлашга, ҳарбий мулкни асрашга мажбурдир" деган сўзларга батафсил таъриф бериши керак. Низомнинг ушбу талаблари ҳарбий хизматчининг ҳарбий мулкни, қурол-аслаҳа ва жанговар техникани асраш билан жанговар шайлик ўртасидаги узлуксиз алоқдорликни ҳар бир ҳарбий хизматчининг онгига сингдириши лозим бўлади.

Командирлар, уларнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари, барча офицерлар, шартно-

ма асосида хизмат қилувчи ҳарбий хизматчилар ва сержантларнинг асосий вазифаларидан бири — аскарда Ватанимизни кўз қорачиғидай асраш, ишончли ҳимоя қилиш учун халқимиз ишониб топширган ҳамма нарсани асраб — авайлаш ҳиссини тарбиялашдир.

Низомлар, кўрсатмалар, қўлланмаларда баён этилган мажбуриятлар онгли равишда тушунилиб, тўғри ва аниқ бажарилгандагина бунга эришилади. Ҳарбий хизматчига давлат мулки ва ҳарбий мулкка келтирилган зарар (ишдан чиқариши ёки йўқ қилиши, фойдаланиш ва сақлаш тартибини бузганлиги, ўғирлаши, йўқотиши ва бошқа қонун-қоидаларни бузиши) учун қандай жавобгарликка тортилиши ҳақида ҳуқуқий билимлар бериш лозим.

Гуруҳ раҳбари ҳарбий хизматнинг хусусиятлари ва мавқеидан келиб чиққан ҳолда интизомий, моддий, жинсий жавобгарликлар тўғрисида тўхталиб ўтиши керак. Бу жавобгарликлар ҳақида Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари Интизом Низомида, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг "Ўзгалар мулкни талон-торож қилиш" (169-моддаси), "Ҳарбий мулкни сақлаш ёки ундан фойдаланиш тартибига қарши жиноятлар" (295-300-моддалар) деб номланган бобларда белгиланган.

Гуруҳ раҳбари машғулоти якунида давлат мулки ва ҳарбий мулкни эҳтиёт қилиш, уларни асраб-авайлаш бугунги кунда нечоғли долзарб эканлиги, шу боис фақат жиноят содир этганларни жазолаш эмас, балки жиноятчиликнинг олдини олиш ҳам нақадар муҳимлигини тингловчиларга алоҳида уқтириб ўтиши лозим.

Республика ИИБ
Ички қўшинлар Бош
бошқармаси шахсий таркиби
билан ишлаш бўлими.

UCHINCHI «Поетга» gazetasi ning ilovasi

TV OLAM

TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV,
HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD,
SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI,
HAYRATOMUZ VOQEALAR,
SPORT YANGILIKLARI, INTERNET XABARLARI



Рус ёзувчиси ва файласуфи Александр Герцен 1838 йилни сургунда – Владимир шахрида кутиб олди. Губернатор И. Э. Крута илғор қарашли амалдор эди. У сургундаги исёнкорни Небаба фамилияли бир гимназия ўқитувчиси билан бирга “Губерния хабарномаси” газетасининг ходими этиб тайинлади. Герцен ўз асарида ҳамкасби ҳақида шундай хотирлайди: “Мен таҳририятдаги хизматдошим билан Москва университетиде бирга ўқиган эдим. У ҳақда кулиб гапиришга ҳаддим сифмайди. Чунки ҳаёти фожиали яқун топган. Аммо ўлимигача кулгули одам эди. Уни аҳмоқ деб бўлмасди. Лекин ноқулай, кулгули вазиятларга тез-тез тушиб турарди. Юзи одатдаги одамларникидан бир ярим баробарлар узун эди. Гапирса оғзи қулогигача очиларди. Киприклари елпигичдай. Яккам-дуккам сочлари бошини номигагина қопларди. Хуллас, хунук, бадбашара бир киши эди...”



А.И. Герцен

ётарди. Ёнида милтиқ... Ҳамкасбим оёғига боғланган арқоннинг бир учига милтиқ тепкисини боғлаб тортган эди”.

Герцен фожианинг сабаблар

лар ҳамда қарз ҳақидаги тилхатни олиб қочиб кетади... Орадан бир ой ўтиб у тавба қилиб, кўз ёши тўкиб қайтиб келади. Шундан сўнг Небаба у билан жанжаллашиб, орани очиқ қилиб, ўз жонига қасд қилади.

Ўша даврларда ҳам бахтсиз севги туфайли ўзини ўлдирадиганлар учраб турарди. Фаройиб ходисалар шундан сўнг бошланади. Авваламбор черков раҳбарлари мавжуд диний қоидаларга зид равишда ўз жонига қасд қилган кишини умумий қабристоннинг бир четига дафн этишга рухсат беришади.

Ёш бева дафн маросими чо-

казиб кўришса, тобут ҳам, ичидаги билакузук ҳам жойида турарди. Фақат... тобут тикка турар, мурданинг оёғи осмонда, боши ерда эди.

Буюк Британиялик олим Э. Ленг ҳам шунга ўхшаш бир фаройиб ҳодиса ҳақида ёзиб қолдирган. Ун етти ёшли Виктор Гринвуд чечак касаллигидан вафот этади. Уни Гринвудлар мақбарасига дафн этишади. Дафн маросими чоғида тобут кутилмаганда турли овозлар чиқариб ҳаракатга келади. Сўнг яна тўхтаб қолади. Эртаси куни мақбарани очиб қарашса, мақбарадаги барча мурдалар тобутдан чиқариб ерга қўйилган эди. Қариндош-уруғлар мурдаларни қайта тобутларга солиб, мақбарани бекитишади. Аммо бу ҳол тез-тез такрорланади. Охири мархумларни тобутсиз кўмишгачина тинчишади...

НЕБАБАНИНГ БИЛАКУЗУГИ

Фамилияси ғалати, табиат ҳусндан ҳам қисган ана шу киши бир куни эрталаб Герценнинг олдида келиб, никоҳдан ўтиш учун Москвага кетаётганини айтади. Герцен ана шундай тасқара бир киши билан турмуш қуришга журъат этган аёлга ичида қойил қолганини ёзади. Аммо мўъжиза рўй бермади. Янги оила тезда бузилди. Небабанинг кейинги тақдир ҳақида Герцен шун-




дай ёзади: “Бир куни уйга Тилла дарвоза орқали қайтаётган эдим. Қарасам, баққоллар ва болалар черков ёнидаги қабристон томонга югуриб кетишяпти. Мен ҳам бордим. У ерда полициячилар ҳам бор эди. Ибодатхона панжараси ёнида Небабанинг мурдаси

ри, ундан кейин юз берган воқеалар ҳақида ёзмаган. Аммо бу бўшлиқни В. Максимовнинг XIX аср ўрталарида оммалашиб кетган “Афсона ва ривоятлар” рисоласи тўлдирди. Муаллифнинг гувоҳлик беришича, Небаба ёш хотинининг орқа-олдини ўйламай қилган бир ишидан эси оғай деб қолган. Воқеа бундай бўлган.

Небаба судхўрдан катта қарз олиб, ёш хотини учун нодир тошлар қадалган қимматбаҳо билакузук харид қилади. Келинчак бир поручикка илакишиб, билакузук, уйдаги кумуш идиш-

ғада тобут ичига ўша билакузукни солади. Қабр устига оғир плита бостиришади. Эртаси куни плита ғойиб бўлади. Полиция амалдори ҳар эҳтимолга қарши қабрни очиб кўришни буюрди. Қарашса, тобут ҳам ғойиб бўлган. Ҳокимият вакиллари: “Ҳойнаҳой, кимдир билакузукка кўз тиккан”, – деган хаёлга боришди. Ўша оқшом плита яна жойида пайдо бўлди. Эрталаб кечаги воқеа такрорланди. Кечга бориб тагин плита пайдо бўлди. Қабрни



АРВОҲЛАР БИЛАН ГАПЛАШИБ БЎЛАДИМИ?

1926 йилда Артур Конан Дойлнинг “Спиритизм тарихи” китоби дунё юзини кўрди. Мазкур асар машҳур ёзувчи нариги дунё билан мулоқот ўрнатишга жиддий чоғланганини кўрсатарди. У Лондондаги спиритизм уюшмаси президенти, Халқаро спиритизм федерациясининг фахрий президенти эди. Ўзининг тан олишича, адиб мазкур китобини яратиш асносида рухлар дунёси ҳақиқатан ҳам мавжудлигига ишонч ҳосил қилмоқчи, тафаккур ва рухнинг кучини англамоқчи бўлганди.

Асарнинг бобларидан бирида ёзувчи ўз даврининг машҳур медиуми – Осборн Леонард хоним ҳақида ҳикоя қилади. Хоним қарахт ҳолатга тушиб, арвоҳлар билан мулоқотга киришади. Ўша пайтда унинг вужудига қандайдир мавжудот кириб олиб, ўзини Феда деб атаб, инглиз тилида, ингичка овозда гапирган.

Медиум кунига кўпи билан икки кишини қабул қиларди. Мижозлар марҳум қариндошлари ва танишларига ўзларини қизиқтирган саволлар беришарди. Кимдир арвоҳлардан кечирим сўрарди, биров уларнинг аҳволини суриштирарди. Ўзининг медиумлик фаолияти даврида Осборн – Леонард ҳеч бир мижозиде шубҳа уйғотмаган.

Яна бир машҳур медиум Энни Бриттен хоним эди. Конан Дойлнинг ўзи унинг олдида биринчи жаҳон урушида ҳалок бўлган жигарлари доғида куйиб

— Дастурда республикамиз ҳудудидagi давлат идоралари, жамоат ташкилотлари, "Маҳалла" хайрия жамғармаси ва Оқсоқоллар кенгаши томонидан маҳаллаларни обод қилиш, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш бўйича талайгина вазифалар кўрсатиб ўтилган. Ушбу вазифалар босқичма-босқич бажариб келинаёпти. Биргина шу йилнинг олти ойи мобайнида жойларда 317 та маҳалла гузари қурилиб, фойдаланишга топширилгани бу борада кенг кўламли ишлар қилинаётганини кўрсатиб турибди. Самарқанд вилоятида энг кўп — 156 та гузар бунёд этилди. Айрим вилоятларда маҳаллий ҳокимликлар жонбозлик кўрсатиб, маҳалла ва профилактика инспекторлари

шашка ва бошқа спорт турлари бўйича тўғарақлар фаолият юритмоқда. Эътиборли томони, кейинги пайтда республика "Болалар" жамғармаси ҳамда Давлат спорт кўмитаси ҳамкорлигида замонавий спорт мажмуалари бунёд этилаёпти. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси эса бунга амалий ёрдам кўрсатмоқда.

— Маҳалла посбонлари милициянинг ҳақиқий таянчига айлана олдими?

— Албатта. Айти пайтда жойларда фаолият юритаётган маҳалла посбонларидан 250 нафарига ички ишлар идораларида ишлаш учун йўлланма берилганининг ўзи бунинг тасдиғидир. Маҳалла оқсоқоли ва профилактика инспекторлари билан ёнма-ён фаолият кўрсатган бу йигитлар ҳаёт синовларидан ўтишган, ҳуқуқбузарликка қарши курашда тажриба

— Инсондаги қайси фазилатларни қадрлайсиз ва қандай қусурларни қоралайсиз?

— Отам иккинчи жаҳон урушига кетиб қайтиб келмаганлар. Мен асосан онам тарбиясини олиб, вояга етганман. У киши 91 ёшда бандаликни бажо келтирдилар. "Болам отанг йўқ, ўзингни эҳтиёт қил. Кўлингдан келса одамларга яхшилик қил, асло ёмонликни раво кўрма", деб кўп насиҳат қилардилар. Мен инсонга гапирган гапи билан иши мос келишига қараб баҳо бераман. Яъни, лафзида турадиган, пок одамларни ҳурмат қиламан. Орамизда шундай одамлар борки, сизга тўғри йўл-йўриқ кўрсатаётгандек бўлишди, аммо ниятлари фарз эканлиги сезилиб туради. Бундайларни жиним суймайди.

— Сизнингча бўш вақтни қандай ўтказган маъқул?

— Бўш вақтдан доимо унумли фойдаланиш зарур. Бекорчиликни ёқтирмайман. Менимча инсонда ташвишнинг бўлгани яхши. Шунда ҳаёти мазмунли кечади. Бўш вақт топилдими, кўпроқ комил инсонлар билан суҳбатлашишга ҳаракат қиламан. Фарзандларимиз бекор юрмаслиги учун уларни турли хунар ёки спорт тўғарақларига жалб этиш лозим.

— Ички ишлар идораларига энди ишга кирган ёш милиция ходимларига қандай маслаҳатлар берган бўлардингиз?

— У қайси соҳада, хоҳ профилактика инспекторими, хоҳ тезкор ходимми милициянинг шаънини виждонидек пок сақлаши талаб этилади. Унинг хатти-ҳаракатларини халқимиз кузатиб турганини ҳеч қачон унутмаслигини истардим. Милиция ходимининг феъл-атвори, жамиятда ўзини тутиши, қонунчиликка риоя этишига қараб одамларда давлатимизга бўлган ишонч ортиб боради. Шу сабабли у дастлабки кунлардан ўз олдига Ватанимга содиқ инсон бўламан, деган мақсадни қўйиши зарур.

— Кўнглингизга тугиб қўйган қандай орзуларингиз бор?

— Мана, ёшим ҳам анчага бориб қолди. Уч қизим бор, улар ҳаётдан ўз ўринларини топшган. Тўрт набирам — Азизахон, Орифжон, Одилжон ва Акбаржонлар вояга етишяпти. Ниятим, улар баркамол бўлиб улғайишса, бири ички ишлар тизимига, бири чегара қўшинларига, бошқаси Куролли Кучлар сафида хизмат қилса. Азизахон инглиз тилини кунт билан ўрганаёпти. У келажакда таржимонлик қилиб, дунёдаги яхшиликлардан воқиф бўлса ва халқимизга етказса, деган умидда юрибман.

Суҳбатдош
Саъдулла ШОДИЕВ.

Садриддин ҲАСАНОВ:

«ТАШВИШНИНГ БЎЛГАНИ ЯХШИ»

рилади. Баъзан эса оилавий келишмовчиликлар келиб чиқиши мумкин. Буларнинг барчасида профилактика инспектори фаол иштирок этмоқда. Маҳалла оқсоқоли билан профилактика инспекторининг ана шундай ҳамкорлиги ҳудудда доим тинчлик ва осойишталик қарор топишига олиб келаяпти.

— Умрингизнинг донишмандлик даври маҳаллалар билан боғланишига нима туртки бўлган?

— Менинг отам ҳам маҳаллага раислик қилганлар. Эҳтимол азалдан ҳам жиҳатлик қарор топиб келган бу гўшаларга меҳр қўйишимга шу нарса сабабчи бўлгандир. Қолаверса, милиция соҳасида ишлаётганимда ўзим яшаётган пойтахтнинг А. Икромов туманидаги С. Раҳимов номли маҳалла фаолларига қийинчиликларни енгишга баҳоли қудрат ёрдам бериб турардим. Балки шу сабабли истеъфода чиққанымдан кейин маҳалла аҳли мени ўзларига етакчи қилиб сайлашган бўлса ажаб эмас. Республика "Маҳалла" хайрия жамғармасидаги ишимни давом эттириш билан бирга тўрт йилдан буён шу вазифани ҳам бажариб келаяпман.

— Ёдингизда бўлса йилнинг бошида суҳбатлашганимизда Обод маҳалла йили муносабати билан Давлат дастури қабул қилинганини мамнуният билан таъкидлаган эдингиз. Йил

учун барча қулайликларга эга бўлган замонавий иморатлар барпо этишяпти. Маҳаллардаги бундай хайрли ўзгаришлар шу масканларда яшаётган ҳар бир



фуқаронинг қалбида ифтихор туйғуларини уйғотаётганига шубҳа йўқ.

— Маҳаллардаги милиция таянч пунктлари тобора тақомиллашиб бораётгани тўғрисида кўп гапирляёпти. Бу борадаги фикрингиз қандай?

— Бугунги кунда ушбу масканлар фуқаролар дардига малҳам бўладиган, уларнинг муаммоларини ҳал этадиган жойга айланиб бораёпти. Бундан ташқари ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, улар баркамол ва соғлом бўлиб вояга етишларида ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳозирда милиция таянч пунктлари қошида ўсмирлар шуғулланиши учун спорт майдончалари қуриб берилган маҳаллалар талайгина. Бу ерларда кураш, самбо, шахмат-

тўплашган. Улар келгусида ўз халқи, Ватанига сикидилдан хизмат қилишди, деб ўйлайман.

— Педагог-тарбиячи штатлари жорий этилгани ёшлар ўртасида тарбиявий ишларни олиб боришда ўз самарасини бераёптими?


— Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, жойларда бу штатлардан ҳали тўлақонли фойдаланилаётгани йўқ. Республика бўйича 416 та педагог-тарбиячи лавозими жамланмаган, яъни бўш турибди. Ваҳоланки, педагог-тарбиячи маҳалла оқсоқоли, фаоллар, хотин-қизлар кўмитаси, профилактика инспектори билан биргаликда тарбиявий ишларни жонлантирса шу жойда оилалар тинчлиги таъминланади, ҳуқуқбузарликларнинг олди олинади. Буни асло унутмаслик зарур.

— Садриддин ака, имкониятдан фойдаланиб яна бир нечта саволга жавоб берсангиз. Фуқаролар маънавиятини юксалтириш омиллари нимада, деб ҳисоблайсиз.

— Меҳнат қилиш ва илм эгаллашда. Ҳаётнинг муҳим шартини бўлган шу икки нарса инсонни юксак чўққиларга олиб чиқади. Маҳаллаларда турли соҳаларда узок вақт ишлаб, ҳурмат-эътибор топган кишилар, олимлар кўпмақсадли бўлиб қолди. Ёшлар иштирокида ўтказилаётган маданий-маърифий тадбирларга уларни тез-тез таклиф этиб туриш мақсадга мувофиқдир.

Хизматларда

ПИТОМНИКДА ИШЛАР ҚИЗГИН



Қашқадарё вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ кинология хизмати питомнигида қурилиш ишлари қизгин.

— Питомникдаги ишлар кенг қўламда олиб бориляпти, — дейди бошқарма капитал қурилиш бўлини маси бошлиғи, ички хизмат капитани Д. Бўронов. — Олтмишдан ортиқ вольтер янгитдан қурилди. Улар ёз, куз ва қишки мавсумга мослаштирилган. Ихтисослашган хоналар бунёд этиш ҳам режалаштирилган. Иккита машғулот

майдони, итларни вақтинча сақлаш хонаси, ёзги-қишки чўмилириш ҳавзаларини барпо этиш ишлари ҳам авжида. Бундан ташқари юмборхона, ошхона қайта таъмирланяпти. Дикқатга сазовор томони, питомник маҳаллий иқлимга мосланаяпти. Масалан, томни ёпишда воҳа об-ҳаво шароити эътиборга олинди.

Бу ерда ходимлар учун ҳам анча қулайликлар яратилди. Улар учун машғулот ўтилади-ган ўқув хоналари, ошхона,

душхона, дам олиш хоналари қурилди. Худуд қўаламзорлаштирилди.

Бу ишларни амалга оширишда Қарши шаҳар коммунал саноат қурилиши ишчи-хизматчиларининг ўрни катта бўлаяпти.

Питомник бошлиғи, милиция лейтенанти Ш. Муродовнинг сўзларига қараганда, айни пайтда бу масканда 22 нафар ходим фаолият кўрсатаётир. Хизмат итлари машғулотларда ҳар қандай топшириқни удла-

лай олиши учун бутун куч ва маҳорат ишга солинмоқда. Ўргатилган хизмат итлари жиноятларнинг очилиши, шунингдек, уларнинг олдини олишда ички ишлар ходимларига яқиндан ёрдам беришяпти. Масалан, кичик йўриқчи-кинолог, милиция кичик сержанти Н. Эшманов "Алекс" лақабли хизмат ити билан Баҳористон туманида солир этилган ўғрилик жинояти очилишига муносиб ҳисса қўшди.

Бундай ютуқларни қўлга киритишда питомник ветеринария хизмати бошлиғи, милиция лейтенанти З. Нормуродов, қидирув ва одорология бўлини маси бошлиғи, милиция кичик лейтенанти Б. Норқулов, йўриқчи-кинолог Б. Одилов, кичик йўриқчи-кинолог А. Норқобиловлар салмоқли ҳисса қўшаётирлар.

С. АМИНОВА.

НАВБАТЧИЛИК ҚИСМИ ХАБАРЛАРИ

«ГАРАЖ» ОПЕРАЦИЯСИ ФОШ БЎЛДИ

Номасълум кимсалар пойтахтимизнинг М. Улуғбек туманида яшовчи Қ. Абдулланнинг гаражини қалит танлаш йўли билан очиб, машинаси ичидан автомагнитофон, 14.000 сўм пул, эҳтиёт филдирати ва бошқа нарсаларни ўғирлаб кетишган эди. Қўрилган чоралар натижасида ўғриликни содир этган шахслар қўлга олинди. Улар 17 ёшли, ҳеч қаерда ишламайдиган Р. Георгий ва П. Яковлар бўлиб чиқишди.

УЙМИ Ё ОМБОРХОНА?

Тошкент вилоятининг Зангиота туманида ўтказилган тезкор тадбир чоғида Назарбек қўрғонлик С. Маҳмуджоннинг уйдан 35 килодан зиёд марихуана топилди. Ё тавба, уйми бу ё гиёҳвандлик моддаси сақланадиган омборхонами?

ҚОИДАБУЗАРЛИК ОҚИБАТИ

Ҳар бир ишни бажаришнинг ўзига яраша йўл-йўриғи, қонун-қондаси бор. Жумладан, машина ҳайдашнинг ҳам. Транспорт воситасини бошқариш учун киши бунга ҳуқуқ берадиган гувоҳномага эга бўлиши лозим. Пойтахтнинг А. Икромов туманилик 76 ёшли отахон танишига тегишли "Тико" машинасини ҳеч қандай ҳужжатсиз ҳайдаб кетаётганда транспорт трамвай билан тўқнашиб кетди. Натижада отахоннинг ўзи ҳалок бўлди, "Тико" салонидagi икки йўловчи эса тан жароҳати олиб касалхонага ётқизилди.

ИШЧИ... ТАЛОНЧИ

Сўнгги пайтларда қиракашларни "йўловчилар" тунаши ҳоллари учраб турибди. Пенсияер К. Антон ҳам бекорчиликдан, ҳам рўзғорга ёрдам бўлади, деб баъзан "Москвич" машинасида қира қилиб турарди. Соат 18.45 ларда унинг машинасига Тошкентнинг "ТТЗ" бозори ёнида 30 ёшлар чамасидаги йигит чиқди. Салор қўрғонига етиб келишганда у ҳайдовчини куч ишлатган ҳолда қўрқитиб, тушириб юборди ва автомашинани ҳайдаб кетди. Транспорт воситаси шу кунгек қўрғон ҳудудида техник саз ҳолатда топилди. Яқинда машинани олиб қочган шахс ушланди. У гишт заводи ишчиси, шу қўрғонлик Е. Алексей бўлиб чиқди.

ПУЛНИ ПУЛГА УРИБ

Ҳа, бозор иқтисодиёти шароитида пулни пулга уриб фойда кўриш, даромад топиш мумкин. Лекин бу қонун-қоида доирасида бўлиши керак. Мабода айримлар ишбилармонлик, тадбиркорликнинг моҳиятини нотўғри тушуниб, ноқонуний валюта операциялари билан шуғулланишса, шунга яраша жазо олишлари аниқ. Худди Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманилик Н. Баҳриддинга ўхшаб. У 1990 АҚШ долларини Оҳангарон шаҳрида яшовчи Г. Венерага 2 миллион 10 миң сўмга сотаётганда ушланди.

АЁЛ ТИҒ КЎТАРСА...

Аёл гул кўтарса, бола кўтарса, бешик тебрата ярашади. Аммо тиф кўтарса-чи? Балки бунга атрофидаги одамлар ҳам қайсидир маънода сабабчи бўлишар. Аммо нима бўлганда ҳам ақл билан иш тутиш, шайтонга ҳай бериш лозим. Агар ўзини қўлга олганда Бухоро шаҳрилик Ж. Шоҳида ўзаро жанжал устида никоҳсиз эрининг кўксига пичоқ санчмаган бўларди. У албатта, қилмишига яраша жавоб беради.

ҲУШЎРЛИК — БОШ МЕЗОН

Урганч темир йўл бекати тармоқ ИИБ ходимлари вилоят ҳудудидаги темир йўллар, бекатлар ҳамда ҳаракатдаги поездларда жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашишда самарали ишларни амалга оширишмоқда. Доимий равишда ўтказилаётган кенг қамровли тадбирларда жиноят содир қилган нопок кимсаларнинг қилмишлари фош қилиняпти. Шунингдек, милиция ходимларининг темир йўлларга яқин бўлган маҳаллалар, ўқув муассасаларида олиб бораётган профилактик тадбирлари натижасида ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар кескин камайди.

— Содир этилган жиноятларни аниқлашда хизмат итларининг ёрдами бениҳоя катта, — дейди Урганч темир йўл бекати тармоқ ИИБ бошлиғининг ўринбосари, милиция катта лейтенанти Эгамберган Эгамберганов. — Шунинг учун бўлимимизда уларни сақлаш ва тарбиялаш имкониятига эга бўлган махсус питомник ташкил этдик. Питомник зарур ускуналар ҳамда алоқа воситалари билан жиҳозланган. Жорий йилнинг ўтган даври давомида хиз-

мат итлари ёрдамида 14 та жиноят "иссиғида" очилди.

Бўлим ходимлари шу кунгача темир йўл қоидаларини бузган, жамоат жойларида спиртли ичимлик истеъмол қилган, майда безорилик билан шуғулланган бир миңг уч юз нафардан ортиқ шахсларни аниқлаб, маъмурий жавобгарликка тортишди.

Айни пайтда ходимлар хизматни ҳушёрлик билан давом эттиришмоқда.

Х. ЖАББОРОВ.



Суратда: Урганч темир йўл бекати тармоқ ИИБ бошлиғининг ўринбосари, милиция катта лейтенанти Эгамберган Эгамберганов (ўртада), ППХ ва ЖТСБ катта инспектори, милиция катта лейтенанти Маҳмуд Пиров, ҚОИ катта инспектори, милиция лейтенанти Илҳом Машарипов ҳамда ЁХБ катта инспектори, ички хизмат лейтенанти Султонбой Собировлар билан навбатдаги режаларни муҳокама қилишмоқда.

Ж. ҚОЗОҚ олган сурат.

Йўл тасодифларга тўла

ФАЛОКАТ ОЁҚ ОСТИДА ... МИ?

В. Мирзақаримов гапини тутатишга улгурмай йўлнинг нариги четида энгил машинанинг қаттиқ тормоз бергани эшитилди. Биз шошиб ўша томонга юрдик. "Москвич" русумли автомашина атрофини одамлар ўраб олган эди. Сал нарида, йўлнинг четида бир аёл гужанак бўлиб ётарди. Ҳайдовчининг ранги бўздай оқарган, қўллари титрайди.

— Унчалик тез келмаётгандим, бирдан олдимдан чиқиб қолди, — деди у ҳаяжондан энтикиб.

Воқеа жойига хиёл вақт ўтмай туман ИИБ бошлиғи, милиция подполковниги Мамадали Муқимов бошлиқ тезкор гуруҳ етиб келди. Аёл касалхонага жўнатилди.

— Мана шу жойни тартибга солиб бўлмаяпти, — деди М. Муқимов. — Серқатнов йўл. Пиёдалар белгиланган жой қолиб, ўртадаги бетон тўсиқларни ошиб ўтаверишади. Берилаётган танбелларнинг нафи тегмаяпти.

Бошлиқнинг куониб гапирганича бор. Ҳали бир аянчли воқеанинг изи ўчмай, қизини етаклаб олган бир аёл 50 метрлар чамаси наридан йўлни кесиб ўта бошлади. Улар бетон тўсиққа боришга, аёл қизини тўсиқ устига чиқариб, қўлидаги сумкани ерга қўйди. Энди ўзи кўтарилаётган қизи тор жойда туролмай, йўлга йиқилди. Шу пайт катта тезликда келаётган транспорт ҳайдовчиси қизчани уриб юбормаслик учун рулни буриб юборган эди, ёнида бораётган машинага урилишига бир баҳя қолди. Аёлнинг ҳаракатига ҳайрон қолсан, киши. Ваҳоланки 70 метрлар нарида бетон тўсиқлар орасида пиёдалар учун махсус йўлакча қолдирилган.

— Ҳозиргина анави ерда автохалокат содир бўлди, — деди М. Муқимов аёлни оғохлантirmoқчи бўлиб.

— Ҳа, кўрдим, машина бир йўловчини уриб юборди.

— Сизни ҳам машина уриб юборса нима бўларди?

С. ШАМСИДИНОВ.

"Тошкент — Термиз" халқаро йўлининг Галлаорол шаҳрига туташган қисмида турли маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари жойлашган. Шу ерда туман ИИБ ЙҲХГ бошлиғи, милиция майори Ваҳобжон Мирзақаримов билан суҳбатлашиб турибмиз. Ҳамроҳим туман ҳудудида рўй берган йўл-транспорт ҳодисаларини таҳлил этиб беради.

— Йилнинг ўтган даври мобайнида 20 дан ортиқ йўл-транспорт ҳодисасидан 15 таси айнан мана шу катта йўлда содир бўлди, — деди у. — Гарчи пиёдалар йўлдан ўтиши учун махсус жойлар қилинган бўлсада, айримлар бунга эътибор беришмайди. Баъзи ҳайдовчилар ҳам аҳоли яшаш жойларида тезликни камайтириш лозимлиги ҳақидаги қоидага амал қилишмайди. Натижада тез келаётган автомобиль йўлни кесиб ўтаётган пиёдани уриб юборади.

Қинғир иш — келтирар ташвиш

БЕНОМУСДА ВИЖДОН БОРМИ?

Дилрабо сўраб-суриштириб охири излаган манзилини топди. Учинчи қаватга кўтарилар экан, айтадиган гапларини яна бир хаёлан такрорлаб олди. Эшикни қирқ ёшлар чамасидаги кўзлари катта-катта, қайрилма қош, тўладан келган аёл очди.
Салом-алиқдан сўнг ўзига тушунмай қараб турган мезбондан ўнғайсизланган Дилрабо мақсадга кўча қолди.



— Сиз қизларни Кореяга ишга юборасизми?

Аёл меҳмоннинг мақсадини англаб, уни ичкарига таклиф қилди.

Анчагина савол-жавобдан сўнг мезбон унга анкета бериб, тўлдиришни сўради. Бир кундан сўнг улар айрим расмиятчиликларни бажариш учун вилоят ИИБга боришди. Икки ҳафта ўтиб барча қоғозлар тайёр бўлди. Дилрабо ўзида йўқ хурсанд эди. Айтилган куни у яна ўша уйга келди. Мезбон аёл уни Бахтиёр исмли йигит билан таништириб, Самарқандга кетишини айтди. Самарқандда Бону исмли аёл уларни кутиб турарди. Унинг уйида Кореяга ишга кетаётган яна бир қиз бор эди. Кўп ўтмай қизлар ўш шаҳрига, у ердан эса самолётда

Корея ўрнига Дубайга учи кетишди.

Қизлар самолётдан тушиб, қаерга келиб қолганларини фаҳмламай туришиганд уларга бир киши яқинлашди.

— Сизларни Бону жўнатдимиз? — сўради у. “Ҳа” ишорасини олиб қолганларни кўлтиқлаб машинага ўтказди.

— Сенларни мен сотиб олганман. Бундан кейин менинг изимда бўласанлар!

Бу гапдан қизларнинг кути учди. Сочлари бўялиб, оро берилган Дилрабони эртаси куниеқ бир ажнабий олиб кетди. Пайт пойлаб паспортини ўғирлашга муваффақ бўлган Дилрабо қочди.

Дилрабонинг кўрсатмалари асосида тил бириктирган ҳолда шахсларни

фахш ва бошқа мақсадларда фойдаланиш

учун йўлдан ураётган Гулбахор ва унинг шерикларига нисбатан Тошкент вилояти ИИБ тергов бўлими томонидан жиноий иш кўзгатилди. Тергов давомида “Кореяда ишлаб келиш” ниқоби остида чет элларга юборилган бошқа жабрланганлар ҳам аниқланди. Улардан бири Радмила бўлиб, соғлиги ёмонлигидан азият чекарди. Кўп пул топиб, саломатлигини тиклаш ниятида у Кореяга бориб ишламоқчи бўлган. Бироқ бошқа давлатга юборилган.

Анастасия эса пул топиш илинжида бу тўрга илинган.

Кўп пул ишлаш албатта

ёмон ният эмас. Бироқ маблағни қандай йўл билан топиш керак, гап мана шунда. Орамизда чет элга бориб ишламоқчи бўлганлар учраб турибди. Афсуски, улар ўзга юртларга ноқонуний йўллар билан боришни эп кўрадилар. Бу эса қинғир ишларнинг ибтидоси эканлигини наҳотки тушунишмайди? Айниқса қизлар, аёлларнинг сўраб-суриштирмай ўзларини бундай номуссизлар кўлига топширишлари кишини ўйлантиради. Қўлида на ҳужжати, на ваколати бўлмаган нопок кимсаларга қандай ишониш мумкин, ахир?!

Ш. АНВАРОВ.

ҲИҚМАТ

Адоват тиғини кўтарган киши, Адоват тиғидан бўлади ҳалок.

ҲҲКИЗ ЭГАСИГА ҚАЙТАРИЛДИ

Анвар ўринов тунда кўйларни кўрага қамади. Моллари қир бағрида ўтлаб юрарди. Уни уйку элтиб ўринга чўзилди. Тонгда чўпонни милиция ходимлари безовта қилишди.

... Қора ҳўкизни бозор томонга етаклаб кетаётган икки ўсмир рўпарадан келаётган машина тўхтаганда каловланиб қолишди. Улар Жарқўрғон тумани “Янги улус” маҳалласида яшовчи Х. Санжар ва Қ. Музаффар эди. Дастлаб милиция ходимларини чалғитишга уринган бу икки ҳамтовоқ сўраб-суриштиришлардан сўнг ўғри эканликларини тан олишга мажбур бўлдилар. Бозор нархида 300.000 сўм турадиган ҳўкиз эгасига қайтарилди.

Ҳўш, балоғат ёшига етай деб қолган бу ўсмирлар нега ўғирликка қўл уришди? Улар бундай номақбул йўлга киришлари учун зарурат бормиди? Йўқ, албатта. Хонадонларида ҳамма нарса етарли. Фақат нафс балоси, текин бойликка, энгил-елпи яшашга мойиллик ноҳўя ишга бошлади. Қолаверса, оиладаги тарбия ҳам етарли эмас.

Жиноятнинг келиб чиқишига кўпинча лоқайдлигимиз ҳам сабаб бўлаётти. Ахир чўпон молини нега яйловда эгасиз қолдирди? Ҳаётимизда ҳар қандай бепарволикларга ўрин бўлмаслиги керак.

Б. КАРИМОВ,
милиция майори.

«БОСС» ТУЗОҚДА

“Оз нарсага қаноат қилган одам давлатманддир, негаки, бундай қаноат унинг маънавий бойлигидан далолат беради”, деб ёзганди донишмандлардан бири. Аммо Янгиариқ туманидаги М. Маткаримов номли ширкат ҳўжалигида истиқомат қилувчи Ж. Шоражаб озиғаям, кўпгина қаноат қилмайдиган кимсалардан чиқиб қолди. У ширкат ҳўжалигида раис муовини лавозимида ишлаб туриб ҳам нафсини жиловлай олмади. Турли қинғир ишлар билан шуғулланиб, “Босс” лақабини олди. Шоражаб ҳамқишлоқларига йўл-йўриқ кўрсатиш ўрнига ёшларни қинғир йўлга бошлади: ақлни қочирувчи, одамийликдан чиқарувчи гиёҳвандлик моддаларини сотиш билан шуғулланишга ўргатди. Бу билан у кўпгина оилаларнинг ҳонавайрон бўлишига, дунё юзини эндигина кўраётган жажжи гўдақларнинг ноғирон бўлиб қолишига “ҳисса” кўшди.

Ўз нафси йўлида ҳеч нарса-

дан қайтмайдиган бу кимса ҳўжаликдаги ишини ташлаб, узоқ вақт оғу олди-сотдиси билан шуғулланди. 50 ёшни қаршилаган Шоражабнинг қилмишларидан ички ишлар ходимлари хабар топишди. Янгиариқ тумани ИИБ бошлиғи, милиция майори Санъат Мадраҳимов бошчилигидаги тезкор гуруҳ аъзолари — бўлим бошлиғининг биринчи ўринбосари, милиция майори Жонибек Рўзметов, ЖҚ ва УЖҚКГ катта тезкор вакили, милиция капитани Жавлон Курбоновларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида Шоражаб 82 грамм опийни 11 минг 800 сўмга сотаётган пайтда қўлга олинди. Унинг яшаш жойи кўздан кечирилганда сотиш мақсадида 5,29 грамм опий яшириб қўйилгани аниқланди.

Мансаби, ўз обрў-эътиборини қўлдан бой берган Шоражабнинг ҳамқишлоқлари олдида юзи қора бўлди.

Х. ЖАББОРОВ.

Халқимиз “чиқаси молга эгаси сабабчи” деб бежиз айтмаган. Назоратсиз ташлаб қўйилган ҳар қандай буюм айрим қўли эгри кимсаларга осонгина “ўлжа” бўлиши мумкин.

Анджон туманидаги қишлоқлардан бирида яшовчи У. Омонулло туман ИИБга сигир ва бузоғи ўғирлангани ҳақида хабар берди. Суриштирувлардан маълум бўлдики, у молларни далага олиб бориб боғлаб қўйгану “ўтлаб, қорни тўйгач, олиб кетарман” деган хаёл билан уйга кетаверган. Тумандаги бошқа бир қишлоқда яшовчи йигирма ёшли А. Нодирбек эса даладаги “эгасиз” сигир-бузоқни кўргач, олдида солиб ҳайдаб кетган. Шунингдек, Харабек қишлоғида яшовчи Х. Султонбой, Ж. Машрабжон, дўнгиқишлоқлик Ю. Юсупжонларнинг қорамолла-

ЧИҚАСИ МОЛГА...

ри ҳам тунда ғойиб бўлган. Яхшики, Хартум кўрғони милиция бўлинмаси бошлиғи, милиция майори И. Абдуллаев, профилактика инспекторлари, милиция капитани З. Эралиев, милиция лейтенанти Ф. Собиров, шунингдек, И. Ҳошимов, И. Тожибоев каби маҳалла посбонларининг саъй-ҳаракатлари билан ўғирлар ушланди.

Арзимасдек туюлган, “билса — ҳазил, билмаса — чин” қабилидаги қилмишлар баъзан иноқ қўшнилар орасига нифоқ солиб қўймоқда. Масалан, Ёрбоши қишлоғида яшовчи Ю. Абдуваҳоб тунда ховлисидан “Урал” русумли велосипедини кимдир ўғирлаб кетгани ҳақида туман ИИБга арз қилди. Суриштирувда эса велосипедни унинг маҳалладоши олгани маълум бўлди. Ана энди қўли эгри фуқаронинг маҳаллада бош кўтариб юришини тасаввур қилинг.

Қадимдан ўғрилик, яъни биронинг ҳақиқа хиёнат қилиш қаттиқ қораланган. Айниқса, намоз ўқийётган кишининг бирор буюмини ўмариш Аллоҳнинг қаҳрини келтиради. Муқаддам судланиб, тавба қилмаган Ф. Достон учун ҳалол-харомнинг фарқи йўқдирки, у Завроқ қишлоғи “Терак тағи” маҳалла масжидида жума намозини ўқийётган икки фуқаронинг велосипеди ва янги оёқ кийимини ўғирлади. У масжиддан чиқиб кетаётганда маҳалла посбони Ж. Ҳамидов “ўлжа”ларни тортиб олди. Йўловчи машинага осилиб, қочиб кетган Ф. Достонни кўп ўтмай туман ИИБ ходими, милиция капитани Хусниддин Мирзаев тутиб келтирди. У қонуний жазога тортилди.

Ушбу жиноятларга қўл урганларнинг барчаси ёш йигитлар. Бундан кўринадики, фарзандларимиз тарбиясида қаттиқроқ туришимиз, уларга яхши-ёмон, гуноҳ-савоблар ҳақида тушунча бериб боришимиз зарур.

Ж. ТУРДИЕВ,

уруш ва меҳнат фахрийси.

Орамизда баъзан содда, ким нима деса ишонаверади-ган одамлар ҳам учраб туради. Улар айрим виждонини жигилдонга алмаштирган шахсларнинг тузоғига илиниб, бор будларидан айрилишганини кеч англашади. Қизиғи, “катта жойда” ишлайдиган, аслида эса баъзи нуфузли идораларнинг номини сотиб юрган фирибгарларнинг ҳужжатини ҳеч ким суриштирмайди. Суриштирганда, балки кўплар чирқираб қолмас эди.



Китоб туманида яшовчи К. Маликнинг уйига меҳмон бўлиб келган таниши Ваҳобжон гап орасида уй эгасининг қизи бу йил ўқишга кириш нияти борлигини эшитдию ёмби топиб олгандек қувониб кетди.

— Ҳозирги пайтда ўқишга киришнинг ўзи бўлмайди, — деди у дўстининг кўнглига қўл солиб. — Бунинг учун танишбиллиш, қолаверса пул керак.

— Мендай оддий бир одамда таниш нима қилсин, — деди мезбон бош чайқанганча.

— Шунга ҳам ташвишми. Дўстимнинг ҳожатини чиқармасам, вилоят прокуратурасида ишлаб нима қилдим!

Уй эгаси бу гапни эшитиб, қувониб кетди. Уни роса едириб-ичириб, йиққан-тергани — уч миллион сўмни икки қўллаб тўтқазди.

— Ишқилиб қизим ўқишга кирса бўлгани, — деди у, — пул топилади.

“Прокуратура ходими” дўстини ҳам зиёфатга тушириб, ҳам мўмай даромадли бўлиб, шу кетганча қорасини кўрсатмади. Осонгина топилган пуллари ҳазм қилиб бўлгач, “ГАЗ-3110” автомашинасини сотиш илинжида юрган А. Абдумажидга учрашди. “Пулини бир ҳафтада келтириб бераман” дея машинани олиб кетди. Абдумажид орадан анча вақт ўтгандан кейингина фирибгардан машинасини қайтариб олди. Аммо у таъмирталаб бўлиб қолган, уни асл ҳолига келтириш учун бир ярим миллион сўм сарфлаш керак эди!

Бу пайтда Ваҳобжон самарқандлик бир содда кишини қар-

моғига илинтириб, унинг қариндошини қамоқхонадан чиқариб бериш эвазига олти юз минг сўмини шилиб олди.

Қарши шаҳрида яшовчи И. Ойчучук уйдаги музлатгични ижарага бериб, пулини рўзгорнинг кам-кўстига ишлатишни режалаштирди. Бундан хабар топган “прокуратура ходими” дарҳол унинг уйига бориб, ўзининг кимлиги, қаерда ишлашини рўқач қилди ва музлатгични олиб кетди. Аёл шундай одамнинг ҳожатини чиқарганидан мамнун бўлиб юрган пайтда Ваҳобжон музлатгични аллақачон 139 минг сўмга пуллаб юборган эди.

Ваҳобжон қаршилиқ У. Дилмуродга ўзини “миллий хавфсизлик хизмати ходимиман” деб таништирди. Шундай таниш орттирганидан хурсанд бўлган йигит унга салкам олти минг сўмлик музқаймоқни суриштирмай бериб юборди.

Бироқ ҳар қандай қилвирликнинг ҳам чеки бор. Товламачилик йўли билан одамларни шилаётганини билиб қолган Қашқадар вилояти ИИБ ходимлари уни қўлга олдилар. Сохта амалдор — аввал ҳам Қарши шаҳар суди томонидан судланган, 1972 йили Нишон туманида туғилган Х. Ваҳобжон бўлиб чиқди. У изкуварларга осмондан келиб муомала қилмоқчи бўлди, айби фош этилгач эса тавба-тазарру қилишга ўтди. Бироқ фирибгарнинг сохта тавбаси инобатга олинмади.

Ч. НОРМУМИНОВ,
С. ОМОНТУРДИЕВ.

Саломатлик сабоқлари

ДАҒАЛ ПАЛОС ОЛИНГ

Ота-боболаримиз ёз чилласида вақти-вақти билан ялангоёқ ҳам юришган. Чунки бунинг фойдасини билишган. Айниқса, майсазорларни ялангоёқ сайр этишининг нафи катта. Америкаликлар уйлариининг полини паркет қилиши, унга линолеум, бошқа силлиқ нарсалар тўшаши сабабли, уларнинг ярми ясси товонлик касалига чалинишади. Энг яхшиси, уйингизга дағал палос тўшанг.

ТОВОННИ ҚАНДАЙ УҚАЛАШ КЕРАК?

Кафтингизни тозалаб, қиздириг. Аввал оёғингизнинг бармоқларини бош бармоқдан бошлаб, сўнг тескарисига уқаланг. Хаёлан товонингизда бўйламасига (худди умуртқа поғонасига ўхшаб) чизик ўтказинг. Ана шу чизик бўйлаб ва тескарисига уқалашни давом эттириг.

Куйидаги ҳолларда товонларни уқалаш тавсия этилмайди:

– артроз, артрит хасталикларига чалинганда: бундай ҳолларда фақат шифокор билан маслаҳатлашиб, иш қилиш мумкин;

– юкумили тери касалликлари чоғида (агар товонингизда яра, жароҳат бўлса).

МАСЛАҲАТ

Товонни уқалаш чоғида 100 г зайтун ёғи, 40 г кунжут ёғи, 10 г А дармондорисидан иборат малҳамдан фойдаланган маъқул. Уқалаш олдиндан оёқни 1 г ош содаси эритилган 3 л сувга 15 дақиқа тикиб туриш керак. Сўнг товонингизни пемза тоши билан ишқалаб, малҳам суриб бош бармоғингиз билан сурканг. Уқалашдан сўнг оёғингизга ип-газламадан тўқилган пайпоқ кийинг.



– Тошпўлат ака, санъат йўлига неча ёшингизда киргансиз?

– Мактабда ўқиб юрган кезларим "Санъат гунчалари" танловларида қатнашиб, совринли ўринларни қўлга киритганман. Қўшиқчиликка бўлган меҳримни илғаб олган устозим Баҳром Сатторов мени санъат йўлига етаклади. Бошида қизиққанымдан қийинчиликларни ҳис қилмасдим, уларни енгиб ўтиш осон туюларди. Ҳозир ҳам ижоднинг машаққатларига дуч келаман. Аммо халқимизга манзур қўшиқ айтсам ҳамма кийинчилик бирпасда унут бўлиб кетади.

– Кўпчилик санъаткорликни касб эмас, дейди. Сизнинг фикрингиз?

– Мен ҳам шундай ҳисоблайман. Нега деганингизда, қўшиқ куйлашга мажбурлаб ўргатиб бўлмайди. Санъатни Аллоҳ берган инъом, деб биламан. Баъзан зўрма-зўраки қўшиқ айтаётганларни кўрсам умрларини беҳуда ўтказишгаётганига ачиниш кетаман.

– "Оқ тулпор" қўшиғингиз ижодингизнинг энг муваффақиятли чиққан маҳсули бўлса керак. Эшитишимча, тўйларда мухлислар бу қўшиқни беш-

олти марталаб эшитишар экан...

– "Оқ тулпор" шеърининг муаллифи марҳум шоиримиз Муҳаммад Юсуфдир. Аслида ҳам эл орасида оқ тулпор билан боғлиқ ривоятлар юради. Шеър асосини шуривоятлардан бири ташкил этади. Шоир қалбини титратган ҳақиқат менинг юрагимга ҳам таъсир кўрсатди. 1987-1988 йилларда Муҳаммад ака билан бир сўхатгоҳда даволанганмиз. Ушанда у менинг хонандалигим, мен эса унинг шоирлигини билмас эдим. Ногоҳон бир журналда унинг суратини кўриб қолдим. Сурат остида шеърлари бор экан. Уни излаб топдим. Ижодий ҳамкорлигимиз шундан сўнг бошланди, десам бўлади. Ижодимнинг катта қисми Муҳаммад Юсуф шеърлари билан боғлиқ. Масалан, "Уруш бўлмасин", "Юр, муҳаббат", "Армон"...

– Отни яхши кўрсангиз керак?

– Бу жониворларни яхши кўрмайдиган одам бўлмас керак. Отлар инсоннинг энг садоқатли дўстидир. Эртақлар, халқ достонларини ўқиган бўлсангиз, қаҳрамонларнинг аксарияти отларда юришади, улар билан сўхбат қуришади. Баъзилари ёрнинг қошига

Сиз кутган учрашув

ЮРАГИДА КУЙЛАШ ДАРДИ БОР

Сўхбатдошимиз ўзининг дилрабо қўшиқлари билан эл назарига тушган санъаткор, таниқли қўшиқчи Тошпўлат Маткаримов. У Мустақиллигимизнинг 12 йиллиги арафасида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвонига сазовор бўлди.

дир. Мен қўшиқсиз яшай олмайман. Юрагимда куйлаш дардининг борлиги энг катта бахтдир. Мақсуд Шайхзода: "Шеърсиз қалбларга ачинаман", деб ёзган эди. Мен эса ширали овози бор бўлиб, қўшиқ айтмай юрган одамлар қандай яшаётган эканлар, деб ўйлайман. Ахир, бусиз ҳаёт мазмунсиз бўлади-ку! Назаримда, ҳар бир киши қайси соҳада ишламасин ижодкор бўлиши керак.

– Оилангиз ҳақида ҳам тўхталсангиз...

– Турмуш ўртоғим Маҳзуноҳон, уй бекаси. Бир қиз ва ўғлим бор. Ўғлим компьютерга қизиқади. Қизим лицейда ўқийди.

– Мухлислар учун сюрприз тайёрлаб қўйган бўлсангиз керак?

– Улуғлардан бирининг шундай сўзларини ёдга олиш жоиз, деб биламан: "Ҳар хонаки ўзгармаса – гўрдир"! Бугун кечаги кунни такрорламаслиги керак. Ҳар кун янгилик яратишинг лозим, деб ўйлайман. Менинг қалбимда ҳам ҳар кун қўшиқлар пайдо бўлади, янгича нолалар излаб топаман. "Нима-нима?" деб номланувчи магнит альбомидан энг янги қўшиқларни ўрин олган.

– Муштарийларга тилакларингиз.

– Ҳар бир инсоннинг хонадони обод, дастурхони тўкин бўлсин. Осмонимиз мусаффо, юртимиз тинч, фарзандларимиз бизнинг давомчиларимиз бўлишини истардим...

Латофат САЪДУЛЛАЕВА сўхбатлашди.

Сўраган эдингиз...

АСАББУЗАРЛАРНИ ЖИЛОВЛАШ МУМКИНИМИ?

Кўп қаватли уйда яшайман. Кейинги пайтда ярим тунда уй рўпарасидаги болалар майдончасига уч-тўрт ўспирин тўпланиб, мусиқа чаладиган одат чиқаришди. Уларни тартибга чақириш наф бермаяпти. Бундай асаббузарларга нисбатан жазо чоралари борми?

З. МИРЗАЛИЕВ, пенсияер.

Авалло бу ҳақда худуд профилактика инспекторига мурожаат қилиш зарур. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддасида жамоат тартибига таъвоуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жазо белгиланган.

Майда безорилик, яъни жамоат жойларида уятли сўзлар билан сўқиниш, фуқароларга ҳақоратомуз шилқимлик қилиш, жамоат тартибини ва фуқароларнинг осойишталигини бузувчи шу каби бошқа хатти-ҳаракатларда ифодаланган жамиятда юриш-туриш қондаларини қасддан менсимаслик – энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.


Тунги вақтда – соат 23.00 дан 6.00 гача фуқароларнинг осойишталиги ва нормал дам олишини бузиш, яъни баланд овоз билан қўшиқ айтиш, мусиқа чалиш, товуш сиг-

наллари бериш, хонадонларда, турар жойларнинг йўллари ва эшикларидан, кўчаларда овози баланд қилиб қўйилган телевизорлар, радиоприсемниклар, магнитофонлар ва овоз чиқарувчи бошқа аппаратуралардан фойдаланиш, турар жой биноларида ва улардан ташқарида жуда зарур бўлмагани ҳолда шовқин чиқарувчи ишлар қилиш, шунингдек, маиший шовқинга қарши кураш талабларини бузувчи бошқа ҳаракатларни содир этиш – фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисми, мансабдор шахсларга эса учдан бир қисмидан иккидан бир қисмингача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисми миқдорда, мансабдор шахсларга эса иккидан бир қисмидан бир бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

ЧАЙНКРОССВОРД

1. Мансабдор шахснинг бойиш мақсадида ўз мансаби билан боғлиқ ҳуқуқларни шахсан суиистеъмол қилишдан иборат жиноят. 2. Фарғона вилоятидаги шаҳар. 3. Ўқ узишда мўлжалга олинган нарса. 4. Маълум бир соҳага оид тартиблар мажмуи. 5. Ҳарбий унвон. 6. Насрий асар тури. 7. Обрў-эътибор. 8. Жиззах вилоятидаги тоғ. 9. Сўз устаси. 10. Адо этилиши шарт, мажбурий бўлган меъёр, қоида тусига кирган талаб. 11. Инсон тақдирида буюрилган ҳисса, улуш. 12. Оила ҳўжалигига тегишли мол-мулк. 13. Қадимий ер ўлчови бирлиги. 14. Америкалик авиаконструктор. 15. Манзарали ўсимликдан тайёрланган ичимлик. 16. Самарқанднинг фарбий худудида Амир Темур томонидан бунёд этилган боғ. 17. Сўзлаётган киши ҳаракатини механик тебранишини электр энергияга айлантирувчи қурилма. 18. Бирор нарсанинг устки қисмларини кўтариб чикувчи қисми, пойдевор. 19. Баъзи тури табоатда ишлатиладиган чувалчангсимон жонивор. 20. Чиннисимон бинокорлик ашёси. 21. Юз кўринишини ўзгартириш мосламаси. 22. Сув манбаи. 23. Ҳарбий кучлар мажмуи. 24. Тансиқ, миллий таом. 25. Дуккакли экин. 26. Италиянинг шимолидаги sanoatlashgan шаҳар. 27. Оила бунёд бўлишидаги расмий маросим. 28. Безак учун ишлатиладиган нарса. 29. Автомобилни ҳаракатлантирувчи қисм. 30. Турбинанинг айланадиган қисми. 31. Банди нордон, ейишли ўтсимон кўп йиллик ўсимлик. 32. Қишлоқ ҳўжалиги тармоғи.



3. Мактуб – 7,3,5.
4. Энг йирик жонивор – 9,2,5.

Энди шакл айланаларидаги рақамларда яширинган криптограммани очқич сўзлари асосида ҳал этинг. Уларни қаторлар бўйича ўқиш билан билиб олинган ҳикмат халқимизга мансуб.

Ф. ОРИПОВ тузди.

ЎТГАН СОНДА БЕРИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

Энига: 1. Лифт. 2. Тўра. 3. Ария. 4. Яқун. 5. Танк. 6. Кекс. 7. Сада. 8. Асад. 9. Асад. 11. Асар. 12. "Рено". 13. Оқил. 14. Лаос. 16. Рота. 17. Асаб. 18. Балл. 19. Линч. 21. "Баёт". 22. Теша. 23. Анна. 24. Адан.

Бўйига: 1. Линт. 2. Турк. 3. Асос. 4. Ялла. 5. Нақд. 6. Тоza. 7. Каср. 8. Сано. 9. Амал. 10. Дарс. 11. Амур. 12. Режа. 13. Одоб. 14. Лаъл. 15. Синч. 16. Рўёб. 17. Азот. 18. Бола. 19. Лола. 20. Чаён.

Криптограмма

Очқич сўзлар: 1. Африкадаги дарё – 1,2,4.
2. Яхна, миллий таом – 6,3,8,2.

<p>ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN Tahririyati</p> <p>MANZILIMIZ: 700029, Toshkent, Yunus Rajabiy ko'chasi, 1</p>	<p>Bosh muharrir Shuhrat MURODOV</p> <p>Bosh muharrir o'rinbosari v.b. Murod TILLAYEV</p> <p>Mas'ul kotib Rahmatilla BERDIYEV</p> <p>Navbatchi Sadriddin SHAMSIDDINOV</p> <p>Sahifalovchi Zokir BOLTAYEV</p> <p>Musahhih Gavhar XOLIQOVA</p>	<p>TELEFONLAR: Bosh muharrir o'rinbosari 139-75-69. Kotibiyat 139-73-88. muxbirlar bo'limi 139-77-23, 59-27-15. Buxgalter 139-75-37. Faks 132-05-51.</p> <p>E-mail: urmyd@globalnet.uz</p>	<p>Tahririyat hisob raqami 2021000700447980001, MFO 00421.</p> <p>«Ipak yo'li» aksiyadorlik investitsiyaviy tijorat bankining Mirzo Ulug'bek bo'limi.</p> <p>Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat matbuot qo'mitasida 00007 raqam bilan ro'yxatga olingan</p> <p>Buyurtma G – 938. Hajmi – 4 bosma taboq. Bosilish – ofset usulida. 45085 nusxada chop etildi.</p>	<p>• Ko'chirib bosishda «Postda» dan olinganligini ko'rsatish shart</p> <p>• Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin.</p> <p>• Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.</p>	<p>Obuna raqamlari: Yakka tartibda – 180 Tashkilotlar uchun – 366</p> <p>Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.</p> <p>Bosilishga topshirish vaqti – 20.00. Bosilishga topshirishi – 20.00.</p> <p>«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.</p> <p>Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi 41-uy. 1, 2, 3, 4, 5, 6.</p>
---	--	--	--	--	--